

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**МАДАНИЯТЛАРАРО АЛОҚАЛАР, ТАҲРИР ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК
КАФЕДРАСИ**

Ибрагимова Назокат Илҳомбоевна

“ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД ПУБЛИЦИСТИКАСИДА ТИЛ МАҲОРАТИ”

**5320400- халқаро журналистика таълим йўналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”
“Маданиятлараро алоқалар, таҳрир
ва адабиётшунослик” кафедраси
мудир**

**_____ ф.ф.н., доц. Ш. Тўйчиева
2013 йил “_____” _____**

**ИЛМИЙ РАҲБАР:
_____ ф.ф.д., академик
Б. Назаров**

**2013 йил
“_____” _____**

ТОШКЕНТ - 2013

**Халқаро журналистика факультети битирувчиси
Ибрагимова Назокат Илҳомбоевнанинг “Хуршид Дўстмуҳаммад
публицистикасида тил маҳорати”
мавзусидаги битирув малакавий ишига**

Т А Қ Р И З

Жамиятдаги ижтимоий муаммоларни очиқ ошкора таҳлил этиш публицистикасининг бирламчи вазифаси ҳисобланади. Бундай хусусиятлар таниқли публицист ва ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ижодида яққол кўринади. Тадқиқотчи Назокат Ибрагимова “Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасида тил маҳорати” мавзусидаги битирув малакавий ишини жанрлар хусусияти билан бирга даврларга бўлиб ўрганган. Малакавий ишнинг ушбу мавзуси, назаримда, долзарб ва журналистика тажрибаси сифатида матбуотимиз амалиётини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Назаримда Назокат Ибрагимова илмий иши жараёнида Хуршид Дўстмуҳаммад ижоди, бадиий ва публицистик фаолияти билан боғлиқ кўплаб маълумотларни йиққан ҳамда синчковлик билан ўрганиб чиққан.

Битирув малакавий ишида адибининг сеқирра фаолиятига ҳам гувоҳ бўлдим. Чунончи, малакавий ишда унинг журналист ва ёзувчи сифатидаги қизғин фаолияти батафсил ёритиб берилган.

Шунингдек, у кўтарган мавзу қизиқ ва долзарб, адибнинг публицистик ижоди аниқ ва тиниқ очиб берилган. Изланиш изчил олиб борилган ва мавзу мукамал ёритиб берилган. Ишда айрим техник хатоларга йўл қўйилган. Н.Ибрагимова мавзуни янада кенгроқ очиб бериши, кенгайтириши мумкин эди. Кўрсатилган камчиликлар битирув малакавий ишнинг умумий мазмун-моҳияти ва қийматига салбий таъсир кўрсатмайди. Тадқиқот билан танишиб чиқиб, уни қўллаб-қувватлайман ва ижобий баҳога лойиқ деб ҳисоблайман.

Расмий тақризчи:

**доцент М.Саъдий,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган журналист**

Мундарижа

Кириш.....	3
------------	---

Асосий қисм

I боб. Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикаси: мавзу ва маҳорат.

I.1. Х. Дўстмуҳаммад публицистикасида фактлардан фойдаланиш, фикрни исботлаш ва мавзу танлаш маҳорати.....	6
--	---

I.2. Публицистик асарларга сарлавҳа танлашда муаллифнинг ижодий ёндашуви.....	20
---	----

II боб. “Ижод – кўнгил мунавварлиги” асарида публицист нутқи ва таҳлил услуби.

II.1. Ўзбек адиблари ҳаёти ва ижодининг журналистик баёни.....	29
--	----

II.2. Журналистнинг жаҳон адабиёти ҳақида ёзган адабий-публицистик мақолаларида таҳлил ва танқидий қарашлар.....	42
--	----

Хулоса	52
--------------	----

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати.....	57
---	----

Кириш

Ишнинг долзарблиги. “Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз”¹ – дейди мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов.

Сўзнинг кучи кўп нарсаларга қодир эканлигини инкор этиб бўлмайди. Инсонлар ўртасидаги ўзаро мулоқот сўз воситасида амалга ошиши унинг ижтимоий аҳамиятидан далолат. Кенг омма билан бевосита мулоқотга киришишдек улкан имконияти эса бошқа воситалар каби публицистика ёрдамида ҳам юзага чиқади. Чунки ОАВ тили публицистик услубда тўла намоён бўла олади. Унда тилнинг информатив маълумот бериш вазифаси тарғибот ва ташвиқот билан уйғунлашиб кетади. Публицистиканинг жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни қамраб олиши, бунда тилнинг алоқа воситаси сифатида турли қирралари намоён бўлиши ғаройиб ҳодиса сифатида кишини ҳайратга солади. Буни катта тажриба йўлини босиб ўтган журналистлар ижоди мисолида кузатиш ҳар томонлама ўзини оқлайди. Шу маънода таниқли публицист ва адиб Хуршид Дўстмуҳаммад ижодини ўрганиш эндигина журналистика остонасига қадам қўяётган биз ёшлар учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди.

Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти: Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикаси мукаммал даражадаги ижод намуналарини ўз ичига олади. Унинг очерк, лавҳа, шарҳ, интервью, ҳикоя, қисса каби жанрларда ёзган асарлари бунга далилдир. Уларда ахборот етказиш мақсади билан бир

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаралик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Халқ сўзи газетаси. 2010, 13 ноябрь

каторда ҳаёт ҳодисаларини баҳолаш ҳам кенг ўрин эгаллайди. Айни шу жихатдан Хуршид Дўстмуҳаммад ижодини ўрганиш ўзбек журналистикаси ютуқларидан бир томонини очиб беришда муҳим аҳамият касб этиши билан битирув-малакавий ишимизнинг долзарблигини белгилайди.

Мавзунинг олдига қўйган мақсади ва ундан келиб чиқадиган вазифалари:

- Хуршид Дўстмуҳаммаднинг публицистик асарларига танланган мавзуларнинг долзарблиги ва аҳамиятини илмий таҳлил қилиш;
- Публицистнинг журналистик маҳоратини анализ қилиш ;
- Журналистнинг асарларида фактлардан фойдаланиш ва фикрни исботлаш усулини ўрганиш;
- Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасида сарлавҳа танлаш маҳоратини таҳлил қилиш;
- Хуршид Дўстмуҳаммаднинг публицистик асарлардан иборат “Ижод - кўнгил мунавварлиги” тўпламида муаллиф нутқи ва таҳлил услубини ўрганиш;
- “Ижод - кўнгил мунавварлиги” китобида ўзбек ва жаҳон адабиёти адиблари ва уларнинг асарлари ҳақида ёзилган мақолаларда тил маҳорати ва журналист позициясини таҳлил қилиш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасининг илмий анализи ва асарларидаги тил маҳоратининг таҳлили ўзбек илмий жамоатчилиги, жумладан, журналистика соҳасида ижод қилаётган олимлар, публицистлар, педагоглар ва талабалар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг узоқ йиллар мобайнида ёзган публицистик асарлари савия, маҳорат, ўзига хос услуб ва тил, аҳамият ва ҳажм нуқтаи назаридан кўплаб йирик илмий ишлар учун ўрганиш объекти ва предмети бўлишга лойиқ. Бироқ ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетида Ниёзов Музаффарнинг “Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикаси: тили ва услуби” мавзусидаги битирув малакавий ишидан бошқа бирор тадқиқот

амалга оширилмаган. Гарчи битирув малакавий ишида Хуршид Дўстмуҳаммаднинг публицистик асарлари таҳлил қилиниши керак бўлсада, муаллиф асосий эътиборни бадиий асарлар муҳокамасига қаратган.

Тадқиқотнинг объекти: Белгиланган мавзудан келиб чиқиб, битирув малакавий ишининг объекти Хуршид Дўстмуҳаммаднинг барча публицистик асарлари, жумладан, мақолалари, интервью, суҳбат, тақриз, эссе, очерк, лавҳа, ижодий портрет, шунингдек, “Ижод – кўнгил мунавварлиги” ва “Озод изтироб қувончлари” номли публицистик асарлар тўпламларидир.

Тадқиқотнинг предмети: Битирув малакавий ишнинг предмети Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасининг тил маҳорати, жумладан, публицистик нутқи, журналистик позицияси, фактлардан фойдаланиш ва фикрни исботлаш маҳорати, сарлавҳалар танлаш усули ва таҳлил санъати кабилардан иборатдир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: Юқорида қайд этилганидек, шу пайтга қадар ушбу мавзуда илмий тадқиқот иши амалга оширилмагани нуқтаи назардан ҳам мазкур битирув малакавий иши илмий янгилик бўла олади. Тадқиқот доирасида публицистик асарлар жанр нуқтаи назаридан эмас, балки журналистик ижоднинг илмий асарларда аксарият ҳолларда четлаб ўтилаётган ёки етарлича эътибор қаратилмаган жиҳатлари, жумладан, фактлардан самарали фойдаланиш, далиллаш санъати, сарлавҳа танлашга ижодий ёндашув, публицистик услубда ижод қилишининг ўзига хос хусусиятларининг Хуршид Дўстмуҳаммад ижоди мисолидаги таҳлили, ихтибос(цитата)лар ва муаллиф гапининг ўзаро синтезлашуви ходисаси ўрганилган мазкур битирув малакавий иши келгусида журналистика факультети талабалари учун ҳам тегишли фанларда қўлланма ёки бошқа илмий тадқиқот ишлари учун муҳим манба бўлиши мумкин.

Тадқиқотнинг таркибий тузилиши: Ушбу битирув малакавий иши мундарижа, кириш, тўрт фасл ва икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатидан иборат.

I Боб. Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикаси: мавзу ва маҳорат

I.1 X. Дўстмуҳаммад публицистикасида фактлардан фойдаланиш, фикрни исботлаш ва мавзу танлаш маҳорати

Публицистика фақат ахборот бериш эмас, балки муаммолар таҳлили, ҳаёт таклиф этаётган далилларни ўрганиш хусусиятилари ҳам демакдир. Шу билан бирга публицистик асарларда замонавий ҳаётнинг энг долзарб масалалари: сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, фалсафий каби жамият учун энг қизиқиш уйғотадиган масалалар, маданият, кундалик ҳаёт ва тарбия муаммолари кўтарилади. Публицистиканинг газета-журнал кўринишлари кенг тарқалгандир. “Публицистик асарда ҳаётда учраган муҳим ҳодисаларни қайд этиш, уларга чуқур муносабат билдириш кўзга ташланади. У ана шу жиҳатдан кенг омма билан фикрий муносабатга киришишда ўзига хос воситадир. Бунинг учун биринчи навбатда, публицист кишиларни муаммога қизиқтира олиши, диққат-эътиборини жалб этиш учун асосий далилларни мақолага жойлаштира олиши лозим. Бунга эришишда ундан далилларни муҳимидан номуҳимини ажрата олиш фазилати талаб қилинади ” .² Шу билан бирга ҳаёт ҳодисаларининг ичига кириш, теран таҳлил этиш, муҳим фикр – мулоҳазаларининг ўртага ташлаш орқали ўқувчига кўтарилган масалага нисбатан муносабат уйғотиш лозим.

Умуман олганда, газета ва журнал публицистикасида муаллифнинг ҳозирги замон даражасида ўз нуқтаи назарини ифода эта олиши биринчи ўринда туради. Жамиятдаги ижтимоий муаммоларни очиқ ошкора таҳлил этиш публицистикасининг бирламчи вазифаси ҳисобланади. Бундай хусусиятлар таниқли публицист ва ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ижодида яққол кўринади.

“Журналист ва ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад 1951 йили Тошкентда туғилди. Ўрта мактабни битиргач, 1969-1973 йилларда Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида ўқиди. «Фан» нашриётида, «Фан ва турмуш» журналида, «Қишлоқ ҳақиқати» газетасида ишлади. 1986 йилдан «Ёш куч» журналида бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари, бош

² Тоғаев О. Публицистик тадқиқот санъати. Т.: Ўзбекистон. 1986. 23-бет.

муҳаррир сифатида фаолият кўрсатди. Республикада илк бор нашр этилган «Хуррият» мустақил газетасида бош муҳаррирлик қилди, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасида ҳамраис, «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири вазифаларида ишлади. Хуршид Дўстмуҳаммад япон адиби Акутагава Рюноскэнинг «Расёмон дарвозаси» ҳикоясини, Темур Пўлатовнинг «Етти ҳузур-ҳаловат ва қирқ қайғу-алам» романини ўзбекчалаштирган. Журналист ва ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад адабиётшунос сифатидаги мақолалари билан ҳам эътиборга тушган, филология фанлари докторидир. Сценарий муаллифи сифатида яратилган «Чаёнгул» телевизион бадиий филми (2000) кенг томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди».³

Тилнинг жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлиги оммавий ахборот воситалари фаолиятида ёрқин намоён бўлади. Публицистик услуб ОАВ тилини ифодаловчи асосий воситадир. Бундан ташқари публицистикада мавзу танлай билиш ва уни маҳорат билан тасвирлай олиш жуда муҳим. Бунда мавзунинг таъсирчанлигини таъминлаш учун бой лисоний имкониятлардан унумли фойдаланиш талаб этилади. Ушбу жиҳат Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасида муҳим кўринишда намоён бўлган. Х.Дўстмуҳаммад ўз мақолаларида қайси мавзуда сўз юритмасин, матнни миллий тилимизга хос нозик қочиримлар, иборалар, ҳикматли сўзлар ва атамалар билан бойитишга алоҳида аҳамият қаратиб, таъсирчан ёзма нутқни вужудга келтирган.

Матбуот жанрини таснифлашда муаллиф мақсади ва унда ечиладиган ижодий вазифа эътиборга олинади. “Публицистик матнни таснифлаш қуйидаги уч асосий унсурдан ташкил топади:

- а) янгилик ёки юзага келган муаммо ҳақидаги хабар;
- б) вазиятни айрим-айрим ёки тўлақонли англаш;

³ www.ziyounet.uz

в) аудиторияга таъсир ўтказиш;⁴ . Ана шу хусусиятларга кўра матбуот матнларини беш гуруҳга ажратишимиз мумкин.

- 1) Тезкор-янгиликли – турли кўринишдаги хабар;
- 2) Тезкор тадқиқотли – интервью, репортаж, ҳисобот;
- 3) Тадқиқот-янгиликли – корреспонденция, шарҳ (муҳаррир минбари), тақриз;
- 4) Тадқиқотли-мақола, мактуб, шарҳ (матбуот, иқтисодий, сиёсий ва ҳ.к);
- 5) Тадқиқот-образли – бадиий публицистик – очерк, эссе, фелъетон, памфлет.

Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикаси турли жанрларни ўз ичига олган. Шунга қарамай унда энг кичик жанр – хабарлар деярли учрамайди. Кейинги гуруҳга кирган жанрлар ичидан репортажлар Х.Дўстмуҳаммад ижодида салмоқли ўринни ташкил этади. Жумладан, “Миллий ғурур ҳаяжони”, “Ўзимиздан қониқмаймиз”, “Хотира майдони муқаддас майдон”, “Мувозанат ва уйғунлик жамият равақининг асоси” каби репортажларни кўрсатиши мумкин. Публицист ижодида интервьюлар ҳам ўзига хос ўринга эга. Юқорида санаб ўтилган ижодий ишларида жамият учун долзарб мавзуларни танлагани ва уни фактлар билан бойитиб, фикрини исботлаганини кўриш мумкин.

Учинчи гуруҳ жанрларига “Онгимиз ва қалбимизда”, “Ўргимчак тўри”, “Каттақўрғон тонги”: жанжалнинг шоми борми?”, “Фалокат ва жиноят бамисоли қариндош” сингари корреспонденциялар, муҳаррир минбари рукнида ёзилган “Озодалиқ масъулияти”, “Президент амалий тақлифлар айтишга ундамоқда”, “Байрам манзаралари” шарҳлари, “Отабек шуурининг оний сурати”, “Ёзувчининг бахти” каби тақризларини киритиш мумкин. Шунингдек, сиёсий шарҳлар: “Давр, шахс ва жамият”, “Миллий хавфсизлик ва мувозанат излаб...”, “Жаҳолат занжири”, “Бурунги ва бугунги сайловлар” ва ҳ.к., мактублар: “Кун тартибида”, “Идеал ўқувчи”, “Ҳақсизлик сиртмоғи” кабилар, очерклар: “Орзулар мавсуми”, “Йўл бошида адашганлар”, “Қишлоқ ҳаётининг

⁴ Публицистика тили ва услуби (тўплам). Т.: Университет, 2004, 12-бет.

рассоми”, “Крагум чўққисидан томоша”, “Хурлик ва хавфсизлик: Мувозанат истаги” ва бошқалар. Хуршид Дўстмуҳаммад мохир публицист сифатида турли мавзуларни матбуотда кўтариб чиққан.

Х. Дўстмуҳаммаднинг маънавий-ахлоқий масалалар бўйича ёзган қатор мақолалари бу борада, айниқса, эътиборга молик. Масалан, “Каттақўрғон тонги”: Жанжалнинг шом борми?!”⁵ мақоласи сарлавҳаларининг ўзиёқ публицистнинг маҳорат билан сўз танлагани кўриниб турибди. Мақолада тилга олинган “Каттақўрғон тонги” газетаси таҳририятида юз берган ходимларнинг арзимаган баҳона сабаб тўхтовсиз шикоятбозлик ва жанжалкашликлари ўткир истехзо билан танқид қилинади. “Билмадим, улар мен мисол тариқасида келтирган кишига ўхшаб бекорчими ёки “Каттақўрғон тонги”га ишга қайтиб тикланишдан кўра уларнинг камроқ ва буюкроқ маслак-мақсади қолмаганми ёки бўлмаса Ғ. Шукуровни “курашда” енгиб чиқиш улар учун ҳаётларининг мазмун моҳиятига айланиб қолганми... яна қандай таҳминларга бориш мумкин?...” Х. Дўстмуҳаммад “уларнинг улканроқ ва буюкроқ мақсад-маслаги”, “кураш”да енгиб чиқиш улар учун ҳаётларининг мазмун-моҳиятига айланиб қолганми...” жумлалари орқали шикоятчиларнинг қиёфасини очиб беради. Мақолада ўзларининг майда икир-чикирлари билан ўралашиб юрганини улуғвор сифатлар билан қопловчи кимсаларга муносиб жавоб қайтарилган, дейиш мумкин. Бу публицистнинг ўз вазифасини теран англаб етганликни кўрсатувчи жиҳатлардан биридир.

“Ёзувчининг бахти” мақоласида эса Х. Дўстмуҳаммаднинг адабий баҳсда далиллаш усулидан самарали ва ўз ўрнида фойдаланганлигига гувоҳ бўламиз. У таниқли олим Ғайбулла ас-Салом ва З. Исомиддиновлар фикрини келтириб, оламда ёзувчилар ҳақида бошқача фикрлар ҳам борлигини машҳур санъаткорлар фикридан далил келтириб, ўқувчи дунёқарашининг ривожланишига туртки беради.

⁵ Дўстмуҳаммад Х. Хуррият газетаси. 1999, 26 май.

Ахлоқи бузилган ўсмир қизлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи “Йўл бошида адашганлар”⁶ мақоласида касбий атамалардан таъкид ўрнида, масаланинг долзарблигига урғу бериш мақсадида фойдаланган: “Билим юртида тарбияланувчилар орасида Қизил Ўрданинг ҳарбий хизматчининг, Тошкентлик фан доктори район ижроком раиси, олий ўқув юртининг катта ўқитувчиси ва “Халқ маорифи аълочиси”нинг вояга етмаган қизлари тарбия топган ва топаётганлигини қандай баҳолаш мумкин?! ” (“Ёш куч” журнали 1987 йил, 4-сон). Парчадаги касб даражаларини кўрсатувчи жумлалар ўқувчи эътибори беихтиёр мақолага тортишга, уни бошдан оёқ синчиклаб ўқиб чиқиш ва унга ўз муносабатини шакллантиришга ундайди. Х.Дўстмуҳаммад муайян соҳаларга хос атамалар қўллашда ҳам катта маҳоратга эришган. Жумладан, “Орзулар мавсуми”⁷ очеркида ана шу хусусиятни кўрамиз: “Сукунат. Бирлашма ходимларининг доимо кириб-чиқиб туриши, ҳар бир масаланинг тез ва ишчанлик билан ҳал қилинишидан ва бу хонани улкан коллективнинг энг замонавий электрон ҳисоблаш машинаси ўрнашган марказига қиёслаш мумкин. Ҳозир эса сукунат. Хонада бирлашма дарғасининг ҳаёли ҳукмрон”. Муаллиф бу ерда ўта маҳорат билан услубий топилма яратган. Мақола қаҳрамонларининг фаолияти, табияти ва фазилатларидан келиб чиққан ҳолда уларни умумлаштириб “улкан коллективнинг энг замонавий электрон ҳисоблаш машинаси” билан қиёслайди. Бинобарин, гап “Кибернетика” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, улкан олим Восил Қобулов ҳаёт йўли ва фаолияти ҳақида бормоқда.

Яна бир йўл очерки “Хурлик ва хавфсизлик: мувозанат истаги” деб номланган. Публицист очеркида Америкада бўлиб ўтган “Миллий хавфсизлик ва матбуот эркинлиги: мувозанат излаб...” мавзуидаги тадбир ва АҚШдан нималарни кўриб, ўрганиб қайтишганлиги ҳақида сўзлайди. Очеркни қисмларга бўлиб, мазмунидан келиб чиқиб номлайди. “Ҳақиқат нисбий” деб номланган қисмида АҚШ журналистикаси ва бу борада Оммавий ахборот воситалари ва

⁶ Дўстмуҳаммад Х. Ёш куч журнали. 1987, 4-сон

⁷ Дўстмуҳаммад Х. Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. 1981, 25 сентябр.

ижтимоий муносабатлар кафедраси профессори Жанет Стил хонимнинг “...олима журналистларнинг ахлоқий қонунлари ҳақида тўхталиб, профессионал маҳоратни ошириш, сўз эркинлиги ва маъсулиятини ҳис этиш касбий ахлоқ тушинчаларидан бошланишини таъкидлади. “Давлат журналистларнинг ахлоқий қонунларига аралашмаслиги керак. Журналистларимиз “қўриқчи ит”лик вазифасини ўзларининг муқаддас вазифаси деб биладилар”⁸ деган фикрларини келтириб ўтади. Ва бу қарашларга минталитетимиздан келиб чиққан ҳолда ўзининг фикрлари билан бойитиб боради. “Бундай мулоҳазалар нечоғли яхшилиги маълум, аммо-лекин мутлақо ички маънавий ҳодиса, зеро, ташқаридан белгиланган ва назорат қилинган ахлоқдан кўра ички маданият даражасига кўтарилган ахлоқ ишончлироқдир.”⁹ “Пентагонда... Чуст пичоқчаси”деб номланган қисмида эса, АҚШ Мудофаа вазирлигига ўзбек журналистларининг саёҳатлари давомида пичоқ билан боғлиқ вақеани ҳикоя қилинади. “Титаникдан қолган мерос”, “Оқ нуқта устида”, “Жефферсон ва Линкольн жасорати”, “Лизахонимга ҳавасим келди”, “Қонун ва яна қонун” деб номланган бўлимларда ҳам саёҳат давомида кўрган ва ўрганган воқеа ва ҳодисалар ҳақида шунчаки сўзлаб бермайди. Ҳар бир воқеага ўзининг фикр ва қарашларини сингдириб боради. Ҳар бир масканнинг тарихи билан таништиради. “Одамларга эркинлик, ҳурлик беришдан кўра улуғроқ, савоблироқ хизмат йўқ. Буни қаранг, Америка президентларидан бири А. Линкольн қора танлиларга жисмоний озодлик берган бўлса, Т. Жеффирсон тафаккурлар ҳурлиги учун курашни муқаддас бурчи деб ҳисоблаган. Ўз измига солиш бошқа, халқни ўз измига қўйиш бошқа.”¹⁰ Х. Дўстмуҳаммад ижодий ишларининг барчасида куйинчаклик билан ёзиши унинг фактлардан кенг фойдаланишида кўринади. “Мақсадга садоқат йўлдош бўлгач” ҳар қандай иши маҳорат билан ёзилади. Очеркни ўқиш давомида Америка ҳақида жуда кўплаб маълумотларга эга бўлиш билан бирга, уни қисмларга бўлиб ёзганлиги ва ҳар

⁸ Дўстмуҳаммад Х. Озод изтироб қувончлари. Т.: Маънавият. 2000, 83-бет

⁹ Ўша асар.

¹⁰ Ўша асар, 90-бет.

бир бўлимни қизиқарли воқеалар билан бойитгани, ёзувчининг холис баҳоси, журналистик кузатувчанлигига юқори баҳога лойиқ. Бундан ташқари, бирор бир гапга эътиборимизни қаратиш учун қавс ичида қўшимча маълумот бериб, таъкидлаб ўтиши Х.Дўстмуҳаммадга хос услублардан биридир. Очеркнинг “Қонун ва яна қонун!” деб номланган туркимида Америкада ҳамма қонун мустаҳкам ўрнатилганини мисоллар билан таъкидлайди. Инсон учун барча имкониятларни қонун яратиб беришини айтади. Охирида бизда қонунларнинг ишламаслиги, оддий халқ эса талаб қилгани билан фақатгина овора бўлиб қолиши, демакратик жамият қуриш учун қонунларга сўзсиз бўй суниб лозимлиги, халқ жамият учун эмас, жамият халқ учун ишлаши кераклигини таъкидлайди. Шунинг билан бирга аслида кимлар қонунбузар эканлигини очикдан очик фош этади ва танқид остига олади. “Хаёлан кўз ўнгимизга келтиришга уриниб кўрайлик: мамлакатимиз миқёсида жойдан-жойга кезиб юрган шикоят хатлар, арзномалар, илтимосномалар оқимини тасаввур қилайлик. Ҳам расмий, ҳам норасмий, ҳам ўринли, ҳам ўринсиз, битадиганидан битмайдигани кўп. Нега, нега шундай? Ким уларни сарсону саргардон қилиб қўйди? Кимга керак бировни юкинтириш? Кимга зарил одамларни (ўз ватандошларимизни) илтимосчиларга, бечораларга айлантириш?

Ақл бовар қилмайди... бундай ҳолатнинг жамики моддий ва маънавий зиён-заҳматини қўя турайлик-да, у шахс камоли йўлидаги энг баҳайбат тўсиқ эканини мулоҳаза қилайлик. Одамни қарам қилиб қўяётган, мавжуд имкониятини тўғри ва фойдалироқ йўсинларга йўналтира олишга имкон бермаётган иллат шу эмасми? Қайси идорага ёки яқка шахснинг хизмат дунёсига бош суқсангиз кимдандир шикоят қила бошлайди. Иши юришмаганининг минг битта баҳонасини дастурхон қилади. Айтганларининг қарийб барчаси қонунга хилофликдан келиб чиққан бўлади. Қонуннинг бузилишига йўл қўймасликка қурби етмайди оддий одамларнинг.

Чунки қонунни оддий фуқаролардан кўра гоҳида мансабдор кишилар қаттиқроқ, шафқатсизроқ бузадилар, оддий фуқаронинг ғайриқонуний хатти-

харакатига тегишли баҳо бериш қийин кечмайди, амалдор ёки бойвачча ёмғир остидан қуруқ чиқиш имконини топади.”¹¹

Ёки бошқа улуғ аллома қисмати ҳақидаги “Ҳиёнат қурбони”¹² мақоласида илмий атамалардан унумли фойдаланади: “...Саъди Сирожиiddинов Стеклов номидаги Математика институтида Марков занжири ҳамда эҳтимоллар назарияси соҳасидаги ютуқларни математика статистикасига татбиқ этиш борасида изланишлар олиб бориб, фан доктори даражасига эришди”. Марков занжирлари, эҳтимоллар назарияси, математика статистикаси атамалари олимнинг фаолияти ҳақида аниқ тасаввур уйғотишга хизмат қилган.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг миллий мафкуравий ҳаётимиз, унинг маънавиятимиздаги акси хусусида чуқур мушоҳада билан суғорилган қатор публицистик асарларида мақол ва иборалардан фикрини исботлашда фойдаланиш устунлик қилади. “Миллий ғурур ҳаёжони”¹³ мақоласида фикримизнинг яққол исботини кўрамиз: “Миллий ғурурни уйғотиш истаги мамлакатимиз раҳбарининг бош мақсадларидан, изчил концепсиясидан, олиб бораётган сиёсатининг ўқ томирларидан бирига айланди. Шу қадар мураккаб тамоилларни тўла-тўқис ифода эта олувчи соф ўзбекона лутф ҳам топилди: “Одамзод бировнинг бўйига қараб тўн бичмайди!”. Теран мулоҳазалар қатига сингдирилган бу ҳикматли сўз ғоят ифодали чиққан. Бундай ўринларни мақоладан кўплаб топиш мумкин: “Ўзбекистон - ўз номи билан ўзбекларники” деди Президент. “Биз тилланинг устида ўтирибмиз” дея тупроғимизни улуғлади. “Турмуш шароити онгни шакллантиради” деган нақлнома гапни инкор этмаган ҳолда янгиланаётган онг турмушга ҳаётбахш ўзгаришлар олиб киришини ҳам ўз ҳаётимизда кўриб турибмиз”. (“Хуррият” газетаси 1998 йил 28 январь). Президентнинг тилидан янграган “Биз тилланинг устида ўтирибмиз” тасвирий ифодасининг келтирилиши Ватандаги имконият

¹¹ Дўстмуҳаммад Х. Озод изтироб қувончлари. Т.: Маънавият. 2000, 94-бет.

¹² Дўстмуҳаммад Х. Хуррият газетаси 1997, 26 май

¹³ Дўстмуҳаммад Х. Хуррият газетаси 1998, 28 январь

тушинчасининг англатишда бекиёс ўхшатиш сифатида ўрин тутади. Кейинги афаризм эса муаллифнинг парадокс тарзида фикр ифодалашида қўл келган.

Х. Дўстмуҳаммад ижтимоий публицистикада тил хусусиятларидан муваффақиятли фойдаланиши ҳам унинг ижодий мақсадга эришишда яхши замин ҳозирлаган. Жамият ҳаётидаги ижтимоий иллатларни фош этишда муаллифнинг мақол ва ибораларни теран мазмунда ишлатиши, танкидий руҳни кучайтиришда фойдаланиши матн тилини юқори даражага кўтарган.

Шу ўринда яна бир мисолга мурожат қиламиз: “Дарҳақиқат, уй-жойдан фойдаланиш корхоналари (ЖЭК) хизматчиларга, слесарь ёки сув созловчиларига иш тушгудай бўлса, одамларнинг афти буришади. Чунки кишиларнинг назарида уларнинг бари машҳур фильмдан ҳаммамизга таниш Афониялар! Афониялар алдоқчи, таъмагир, саёқ, дангаса ва ҳаказо! Нима, Ўзбекистон шароитида ҳам ўша афониялар сақланиб қолаверадими, ўша афониялар кишиларимиз оғирини енгил қилиш ўрнига уларнинг асабига, фурсатига, ҳақиға хиёнат қилаверадими?...”. “Ўзимиздан қониқмаймиз”¹⁴ мақоласидан келтирилган ушбу парчада “афти тиришади” жумласи “афониялар” ўхшатмаси орқали коммуналчиларнинг фаолиятидаги камчилик-нуқсонларга очиқ кинояли баҳо беради. Муаллиф бу хусусиятни фақатгина фош этиш мақсадида қўллайди дейиш нотўғри. Балки ифода рангинлигини таъминлаш учун керакли ўринларда ибораларга мурожаат қилиш Х.Дўстмуҳаммаднинг услубий ўзига хослиги кўринишида кўзга ташланади. Юқоридаги мисолда ҳам “оғирини енгил қилиш” ибораси фикр мазмунини очишга хизмат қилганки, бу фикримизнинг яққол исботидир. Фикримизни яна бир мисол орқали мустаҳкамлашга қаракат қиламиз: “Бу гаплар асло бирон қаламкаш зотига таъна ёинки писанда қилиб эшитилмасин. Асло! Билъакс, биз, бугун журналист зоти борки, бошимизга кўтармоққа тайёرمىз ”. (“Фахр ва маъсулият туйғуси”. “Хуррият” газетаси 1999 йил 26 июнь). Бу ерда эса “бошга

¹⁴ Дўстмуҳаммад Х. Хуррият газетаси 1998, 12 август.

кўтармоқ” ибораси ижтимоий ҳаётнинг фаол курашчиларини ардоқлаш кўринишида ижобий тасвирни вужудга келтирган.

Журналист ва адиб Хуршид Дўстмуҳаммад мақолаларида бошқа ижодкорларда учрамаган ўзига хос услубини кузатишимиз мумкин. Кўпчилик ижодкорлар “бармоғидан сўриб олгандек” воқеа-ҳодисани йўқ жойдан тўқиб чиқаради. Баъзи журналистлар ижодида бадиийлик кузатилса, баъзиларида илмий ёндашиш кучлироқ бўлади. Лекин Хуршид Дўстмуҳаммаднинг публицистик асарларида ҳам илмийлик, ҳам бадиийлик уйғунлашуви устунлик қилиб, ўқувчини ёрқин тасвирлари билан ўзига жалб қилади. Адиб халққа айтмоқчи, билдирмоқчи бўлган изланишлари натижаларини, содда, самимий ўхшатишлар орқали ифодалайди. Кўпгина ижодий ишларининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида жаҳон адибларининг ибораларидан келтириб ўтиши Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ўзига хос услубларидан дейиш мумкин. Масалан, “Вундер+кинд” мақоласида истеъдодли болалар ҳақида ёзар экан, араб адиби Халил Жеброннинг “Ота-она камон, фарзанд эса – шу камондан отилган ўқ” деган сўзларини ўз ўрнида қўллаб, уни ўзининг фикрлари билан бойитган. “Ўқ камон кўра олмаган ва ета олмаган келажакда яшайди, демак, у камондан кўра илғорроқ, юксакроқ бўлиши табиий. Болаларнинг катталардан, ёшларнинг улуғлардан устунлиги ҳам шунда. Бироқ “жонли ўқ”нинг нечоғли пухта бўлиши, нечоғли юксакроқ парвоз этиши ҳар қайси замонда ҳам “камонга”, яъни катталарга боғлиқ”¹⁵.

Биргина “Вундер+кинд” мақоласини ўқиш орқали публицистнинг касбига нақадар садоқати, жуда кўплаб изланишлар олиб боргани, берган маълумотларга ўзининг ижобий ва салбий фикрларини далиллар билан келтирганини кузатиш мумкин. Бунга мисол қилиб, Америкалик психолог Роберт Зайнекнинг “Агар болаларингиз етук кишилар бўлиб улғайишини истасангиз, иккита фарзанд билан кифояланинг” деган маслаҳатларини келтириб, ўзининг қарши фикрларини исботлар билан келтиради. “Наҳотки,

¹⁵ Дўстмуҳаммад Х. Гулистон журнали. 1982, 6-сон

буюк шахслар, йирик олимлар, ажойиб ижодкорлар фақат кам болали оилада тарбия топишган бўлса! Эсланг-а: Моцарт-еттинчи, Шекспир-учинчи, Л.Толстой, Наполеон Бонапарт-тўртинчи фарзанд эдилар-ку!”¹⁶

Ушбу мақолада Хуршид Дўстмуҳаммад истеъдодли болаларнинг қобилятини ривожлантириш ёки сўндириш бола учун зарур муҳит яратишда деган хулосага келади. Бундай хулосага келиши ва уни тасвирлаб беришда, тажрибали журналистнинг салоҳияти, фикрининг салмоғи, самимияти балқиб турибди.

Адиб ва публицист Хуршид Дўстмуҳаммад ижодий ишлари орасида йўл очерклари ҳам диққатга сазовардир. Жумладан, “Ерости йўллари мамлакати” очерки Швейцария кўрган – кечирганларини ижодий ёндашиб, неқбин рангларда тасвирлаган. Адиб очеркни туркимларга бўлиб ифодалайди. “АВВнинг шиори: қулайлик!” қисмида Цюрих шаҳри, тоғлари, қуюқ ўрмон, текис йўллари, ерости йўллар бўйлаб юраётган автобус ҳақида ёзар экан, швейцариялик машҳур адиб Фридрих Дюрренматтнинг “Туннел” ҳикоясини эслайди. Швейцариянинг Асеа АБ компанияси ва Швециянинг Бровн Бовери – АВВ деб номланганлиги бугунги кундаги фаолиятини “Туннел” ҳикоясидан чиқарган хулосалари билан боғлаб кетганлиги ёзувчининг маҳоратини белгилаб берган. “...ҳикоядан келажакда инсонни муқаррар ҳалокат кутмоқда, деган хулоса чиқади.

Инсон эса фаровонроқ ва узоқроқ яшашни истайди. Ақлу тафаккурини шу йўлда сафарбар этади. АБВнинг фалсафаси, фаолияти, мақсад-маслаги ана шу эзгу ниятга – одамлар турмушини янада яхшилаш, оғирини янада енгиллаштириш, янада енгиллаштириш, янада қулайлаштиришга қаратилган!”¹⁷

Очеркнинг “Гулни эъзозлаган – одамни эъзозлайди” деб номлаган қисмида “Голландиянинг гуллар диёри деганлар Швейцарияни кўрмаганми дейман?!” деган гапларининг ўзиёқ, мамлакатдаги гулларга бўлган хавасини таърифлайди. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг кўпгина йўл очеркларида

¹⁷ Дўстмуҳаммад Х. Озод изтироб қувончлари. Т.: Маънавият, 2000. 80-бет.

кузатилганидек, “Ерости йўллари мамлакати” очеркида ҳам кўрган , кузатганларини Ватанимиз билан солиштириб, ўрганишимиз керак бўлган жиҳатларни келтириб ўтади. “...баланд-паст кўчаларнинг барига тош ётқизилган, дўкон кўп, йўловчи кўп, шунга қарамай ниҳоятда озода, тоза, санамжон-саришта. Аслида хонадонини, кўча-кўйни озода тутиш, умуман, покизалик халқимизга хос хусусиятку. Эндиликда ушбу азалий фазилатниқайта тиклайдиган, тиклаганда ҳам энг тараккий этган замонавий мамлакатлар мавқеига тенгма-тенг ривожланишни кўзламоғимиз керак бўлади”¹⁸.

Публицистнинг ҳар бир ёзган ишларида шунчаки ёзиш кераклиги учун эмас, балки ёзмасдан туролмаслик ҳисси , ўзининг тилидан айтганда баён этишга “мубталолик”, баён этганда ҳам бадий ўхшатишлар билан ўқувчи қалбининг ич-ичига кириб боришга қодир. Очеркнинг “Икки тана – бир вужуд” деб номланган қисмини ўқиган киши ҳудди шундай хулосага келиши табиий. “Ётмиш ёшлар нари-берисидаги чол-кампир, иккови ориқ, новча. Бири-бирининг пинжига киргудек, бир-бирини суяб, авайлаб, имиллаб, оёғини сургаб келаяпти. Дам чол, дам кампир минғирлайди. Кампир чақирганда чол, қулоғи оғирроқ шекилли, кампирнинг оғзига қадар бошини солинтиради. Чол кампирни қўйиб юбормайди, қўйиб юборса...эхтимол, неча ўн йиллар бир жон-бир нафас яшаган ва бир вужудга айланган бу икки тана айри – айри қалолмайди. Юролмайди ҳам. Манзилига етолмайди ҳам.”¹⁹

Швейцарияга матбуот анжуманига бориб, бу давлат ҳақида “Ерости йўллари мамлакати” деб номланган очерк ёзар экан, очеркнинг қиймати, қизиқарли, ўқишлилиги журналистнинг мавзуга фақат қандай ёндашганига боғлиқ эмас. Уни қандай услубда, қандай тасвирлар билан, бадий маҳорат ҳам алоҳида ўринга эга. Юқорида санаб ўтилган жиҳатлар Хуршид Дўстмуҳаммаднинг барча ижод ишларида кузатиш мумкин.

¹⁸ Дўстмуҳаммад Х. Озод изтироб қувончлари. Т.: Маънавият. 2000, 81-бет.

¹⁹ Ўша асар. 80-бет.

Унинг 80-90 йиллар босилиб чиққан, мақолалари таҳлил қилинса, кўринадикки, ижтимоий-маънавий ва адабий-танқидий мавзулар етакчилик қилади. Айниқса, ижтимоий адолатсизликлар ва иллатлар ҳақида бонг урилган танқидий мақолалар Хуршид Дўстмуҳаммадни жамият ҳаётини синчковлик билан кузатувчи фаол журналист сифатида намоён этади. Жумладан, “Ҳақсизлик сиртмоғи”, “Гулсум Шайманованинг пушаймони ва тавбаси”, “Боғ кўчада тўкилган қон”, “Йўл бошида адашганлар” ёки тўғри йўл бўсағасидаги қизлар хонадонининг унитилмас кунлари ҳақида мунозарага чорлов” каби мақолалари ўқувчи қалбига кучли таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради. Шунингдек, муштарийни ўйга, фикрлашга чорловчи маънавий масалаларга бағишланган мақолалар ҳам Х.Дўстмуҳаммад публицистикасида салмоқли ўринга эга. Хусусан, “Одамлар орасида мен бўл!”, “Онгимиз ва қалбимизда”, “Жамият, дин ва ёшлар”, “Кун тартибида “идеал ўқувчи”, “Давр, мафкура, шахс нуқтаи назари”, “Энг олий имтиёз - ҳурлик” сингари публицистик чиқишлар бунга мисолдир. Уларда жамият кишисининг маънавий дунёси қандай бўлмоқчилиги хусусида жиддий ва қимматли мулоҳазалар илгари сурилган. Адабий мавзуларга бағишланган мақолалари ижодининг энг катта қисмини ташкил қилади. “Отабек шуурининг оний сурати”, “Азозилга алданмайдиган авлод”, “Ёзувчининг катта бахти”, “Англаш лаҳзалари”, “Мунаққид қўлидаги пичоқ”, “Энг олий ҳилқат” каби мақолалари жиддий адабий тадқиқот сифатида юзага келган.

Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасида 1997-2000 йилларда маънавий ва ижтимоий мавзулар билан бирга сиёсий мавзу ҳам яққол кўзга ташланади. Юртимиз ва жаҳонда кечаётган сиёсий ўзгаришларнинг моҳиятини чуқур қиёсий таҳлил асосида очиб беришга эришиш Х.Дўстмуҳаммад сиёсий публицистикасининг ўзига хос хусусиятини ташкил этади. Бу давр ичида у “Миллий хавфсизлик ва матбуот эркинлиги: мувозанат излаб”(туркум), “Бурилиш палласи: ўйлар, эътирофлар, ниятлар”, “Биринчи чақириқ: яқуний мажлис”, “Бурунги ва бугунги сайловлар”, “Мувозанат ва уйғунлик жамият

равнақининг асоси”, “Президент амалий таклифлар айтишга ундамоқда”, “Президентнинг саволлари”, “Расмийликка ҳамроҳ самимийлик”, “Ўргимчак тўри” сингари ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолалари билан фаол чиқишлар қилди. Бундан ташқари, Х.Дўстмуҳаммад миллий маънавиятимизнинг эътиборли нуқталари хусусида жиддий мушоҳада уйғотувчи мақолалар ҳам яратди. Улар сирасига “Миллий ғурур ҳаяжони”, “Қишлоқ ҳаётининг рассоми”, “Давр, шахс, жамият”, “Ўзимиздан қоникмаймиз”, “Байрам манзаралари”, “Хотира майдони – муқаддас майдон”, “Даврнинг нафасин англатар сўзлар”, “Журналистнинг фазилати”, “Фахр ва масъулият туйғуси”, “Фуқаролик туйғуси”, “Маърифатли мақсадлар, муаммоли вазифалар” кабилар қиради. “Озодалиқ масъулияти”, “Аччиқ танбеҳ”, “Фалокат ва жиноят бамисоли қариндош”, “Таклифлар борми, марҳамат, айтинг!”, “Жаҳолат занжири”, “Хиёнат қурбони” мақолаларида эса жамият маънавиятидаги кемтиклар тўғрисида қуюнчақлик билан фикр юритилади.

Шу билан бирга ижтимоий муаммо ва камчиликлар ҳам Хуршид Дўстмуҳаммад эътиборидан четда қолмади. “Майдон ўртасидаги ҳисоботга тайёرمىсиз?”, “Катта қўрғон тонги :” жанжалнинг шом борми? ” ва бошқа танқидий мақолаларни унинг ижодига хос бўлган яна бир қирра борлигини намоён этди. Бундан ташқари, ижодкор ҳар қандай долзарб мавзунини ёритишда фикрларини исботлаш мақсадида, иқтибослардан, турли мисоллардан фойдаланиб, бойитиб журналистик маҳоратини намоён қилади.

Публицистнинг журналистика касбига бўлган эътибори, садоқати қуюнчақлиги асосида соҳасига оид кўплаб илмий ишлар қилди. Бунга мисол қилиб, “Матбуот равнақи – соғлом рақобатда” (“Ўзбекистон матбуоти” журнали, 2005 йил, 5-сон.), “Журналистнинг касб одоби” (“Филология масалалари” журнали, 2003 йил, 3-4 сон.), “Журналист психологияси – изчил тадқиқот майдони” (“Филология масалалари” журнали, 2007 йил, 1-сон.) мақолалари ва “Журналист шаъни таъмадан устун” каби очиқ хатларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, публицист барча соҳаларда ёритган ишлари даврнинг долзарб мавзуларини камраб олган. Шунингдек, ўз қарашларини, фикрларини исботлаш мақсадида, мақолаларида жуда кўплаб фактлар келтириб ўтиши журналистнинг ижодий ёндашуви ва маҳоратини белгиб берган.

Хуршид Дўстмуҳаммад публицистик асарларида ўзи танлаган мавзуга оид муҳим ва қизиқарли фактлардан кенг фойдаланади. Ишимиз доирасида таҳлил қилинган “Каттакўрғон тонги”: Жанжалнинг шони борми?!”, “Хурлик ва хавфсизлик: мувозанат истаги”, “Вундер+кинд”, “Ўзимиздан қоникмаймиз”, “Йиғлаб – йиғлаб кулдирдим” каби мақолаларни фикримизнинг исботи сифатида эътироф этиш мумкин.

Интернет тармоғи ҳар бир хонадон мобилъ телефонларга қадар кенг тарқалган бир пайтда ҳар қандай публицистик учун муҳим фактларни топиш жуда осон. Бироқ муаллифнинг 1970-1990 йилларда ёзилган мақолаларида фактлардан мумкин қадар кўп фойдаланган. Бу шуни англатадики, публицист журналистик асарни ёзиш учун жиддий ва узоқ тайёргарлик кўрган. Унинг публицистикаси ўқувчида янги бир фикрни уйғотиш билан бирга интеллектуал билимини ҳам оширади.

Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасида фикрни исботлаш деталлар ёки муаммоларнинг алоҳида анализи ва сўнг уларнинг умумий синтезидан иборат. Муаллиф ҳар бир детални синчковлик билан таҳлил қилади ва оригинал қарор чиқаради. Жумладан, шу пайтга қадар “Ўтган кунлар” романидаги Хўжа Маъоз қабристони тасвири адабий танқидчилик томонидан етарлича эътибор қаратилмаган манзара эди. Адиб ушбу тасвирнинг айнан Отабек қайнотасининг хонадонидан ҳайдалган, сўнг Кумушнинг бошқа бировга узатилаётгани, тўй куни ҳам белгилангани ҳақидаги шум хабарни эшитган пайтида келтирилишини “Отабек шуурининг оний сурати” эканлигини маҳорат билан исботлаб бера олган.

Олимнинг адабий танқидчилик соҳасидаги мақолаларида бадиий асарлар матни устида моҳирлик билан қилинган таҳлиллар алоҳида аҳамиятга эга. Мақолаларда Хуршид Дўстмуҳаммад ўз гапи билан бадиий асар муаллифи гапини қоришиқ ҳолда келтиради, уларга изоҳлар келтиради. “Отабек шуурининг оний сурати”, “Инсонга қуллик қиладурмен”, “Адибнинг ажаб дунёси”, “Олий хилқат” каби мақолалар фикримизнинг далили сифатида эътироф этилиши мумкин.

Адиб аслида антоним бўлмаган сўзлар, тушунчалар, вазият ва ғоялар ўртасидаги контраст ҳолатларни баъзан якка, баъзан икки-уч асарни қиёслаш йўли билан исботлаб беради. “Отабек шуурининг оний сурати”, “Нажот муҳаббатдами ё... нафратда?” каби мақолалар шулар жумласидандир.

Олим публицистикасида адабий-танқидий танқидчилик мавзуси етакчилик қилади. Адиб ижодини шартли равишда даврлаштирилса, 1980-1990 йилгача асосан адабий танқидчилик, ҳозирга қадар танқидчилик билан бир қаторда сиёсий-ижтимоий мавзулар етакчилик қилган даврларга ажратиш мумкин. “Ёзувчининг катта бахти”, “Вундер+Кинд”, “Йиғлаб-йиғлаб кулдирдим...”, “Илм адабдан бошланур...” номли мақолалари публицистнинг сиёси-ижтимоий мавзудаги ижоди қаторидан ўрин олган.

Публицистнинг адабий танқидчилик мавзусидаги эссе, очерк ва бадиий портрет жанридаги асарлари мазкур санъатнинг турли йўналишларини ўз ичига қамраб олган. “Китобингни эл ўқисин”, “Машҳурликнинг бир сири” ва “Ҳаётнинг вазмин жилвалари” номли мақолалари адабиётшунослик, “Орзу бўёғи”, “Можаристонлик ўзбек рассоми”, “Эзгуликка қасида” ва “Қоронғулик-ёруғлик тимсоли” каби мақолалари рассомчилик, “Беш лаҳзалик туш”, “Дев билан пакана” каби мақолалари кинога оид ижод намунасидир.

Адиб мавзу танлашда даврнинг долзарб масалаларини ёритиш ва уларга ечим топишга, одатий ҳолатга айланиб қолаётган муаммолар устида янгича тафаккур билан мушоҳада юритиш миллатнинг маънавий қиёфасини тиклаш, маданий савиясини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш,

миллий мустақилликни асраб авайлаш каби эзгу ғояларга асосий эътиборни қаратади. Юқоридаги ғоялар ижодкорнинг ҳам публицистик, ҳам бадиий асарларида узвий равишда ўз аксини топган. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, япон ёзувчиси Акутагава Рюноскенинг “Расёмон дарвозаси” ва ўзбек адиби Ғафур Ғуломларнинг “Менинг ўғригина болам” асарларининг қиёсий таҳлили асосан моддий ночорлик ва маънавий жасорат ўртасидаги мувозанат мавзуси доирасида ёзилган. Мазкур мақола “Бозор” романида илгари сурилган етакчи ғоянинг қисқача баёнига ўхшайди. Қаратишга эришади.

I.2. Публицистик асарларга сарлавҳа танлашда муаллифнинг ижодий ёндашуви

Тил тафаккур маҳсули ҳисобланиб, унинг оғзаки кўриниши сўзлашувда, ёзма кўриниши эса матнда англашилади. Шу жиҳатдан, матнда ифодаланилаётган сўз ва ифодаларнинг қўлланилиши унинг вазифасидан келиб чиқиб турли мақсадларга йўналтирилади. Масалан, хабар ўқиётганимизда дастлабки эътибор ундаги ифодаларга эмас, асосий янгилик ва тегишли фактларга қаратилади. Матбуот саҳифаларига назар ташлар эканмиз, дастлабки эътибор истаймизми йўқми сарлавҳаларга тушади. Сарлавҳаларнинг аксарияти матн мазмунидан келиб чиққанлиги учун ҳам у орқали ўзимиз қидирган ахборотни топишимиз мумкин. Сарлавҳалар турлича бўлади. Уларни мазмун жиҳатдан эса иккига бўлиш мумкин

1. Оддий сарлавҳалар
2. Таъсирчан сарлавҳалар

Оддий сарлавҳалардан тушунилиши осон бўлган деярли стандартлашган сўзлар воситасида фойдаланилса, таъсирчан сарлавҳаларда бадиийлик, экспрессивлик, сўз қўллашнинг ноанъанавий усулларида фойдаланилади. Сарлавҳаларнинг қўйилиши матннинг жанр хусусиятларига қараб фарқланади. Ахборий жанрларга нисбатан кучли ҳиссиётни ифодаловчи жозибадор сўзлардан фойдаланилмайди. Бироқ, бадиий публицистик жанрлар таҳлилий

жанр услубидаги сарлавҳаларда қўлланилиши мумкин. Бу ҳам бўлса матннинг мазмун моҳиятига боғлиқ бўлади. Материалнинг ўқишли бўлишини сарлавҳа таъминласа, сарлавҳанинг таъсирчанлиги бу борада кўпроқ аҳамиятга эга.

Аллома Абу Наср Фаробийнинг қандай қилиб таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш(масалалари)га келганимизда, бу ҳақдаги билимларнинг энг биринчиси, жисмларга исм берувчи тил ҳақидаги фан.. Иккинчи илм грамматика...Учинчи илм мантиқ... Тўртинчи фан поэтика эканлигини айтиб ўтган.

Адабий тил меъёрлари нуктаи назаридан ноўрин, ножоиз ҳисобланган сўз ёки ифода ёки жумла тузилишини шу матнда энг зарур, мақсадга мувофиқ унсурга айланиши мумкин. Масалан, ноодатий сўз қўллаш кабилар. Газета сарлавҳаларида ҳам айнанликка зид ғайриоддий услубий сўз ва ифодалар ишлатилиши мумкин. Ҳар бир журналист бундай қўлланишларнинг (айниқса, қаҳрамонлар тилидан ишлатилганларининг) матнда асосланганлигини назорат қилишни эсда тутиши лозим. Матбуот нутқида хос кўп сўзлилиқ, бир жумлада айтиш мумкин бўлган фикрни бир неча гапларга бўлиб юбориш матнга асосланганлигига путур етказди.

Сарлавҳа қўйишга моҳир журналистлардан бири Хуршид Дўстмуҳаммаддир. Унинг ижодида қўллаган сарлавҳалари ҳам оддий, ҳам таъсирчанлик, бадиийлик, экспрессивлик, сўз қўллашнинг ноанъанавий усулларида фойдаланишини кузатиш мумкин.

Муаллиф сарлавҳа ҳақида “Сарлавҳада ҳикмат кўп. Ҳатто сарлавҳа мақоланинг ярим мазмун-моҳиятини ўтайди дейишади. Амалиётда такрорланавериб, сийқаси чиқиб кетган, осонгина ишлатилаверадиган сарлавҳалар шу қадар кўпки, улар газетхоннинг ғашини келтиради, ҳатто хабар ё мақола қизиқарли бўлган тақдирда ҳам сарлавҳа ўқувчини ҳафсаласини пир қилади. Раъйини қайтаради. Ихлосини сўндиради.

Сарлавҳанинг хили кўп. Мисол учун, мақола мазмунини аниқ-конкрет дарак берувчи сарлавҳа, мазмун-моҳиятидан қисман дарак берувчи, пинҳон

тутилган мазмунга ўқувчини қизиқтирувчи сарлавҳа бор. Албатта, танқидий мақоланинг номланиши кинояли, таъсирчан бўлиши табиий. Ижтимоий-сиёсий руҳдаги мақолани номлашда салмоқли, ижтимоий аҳамият касб этувчи оҳанг сақлангани маъқул.

Баъзан сарлавҳаларда шахсларнинг исм-шарифи қўлланади. Бунда хушёр бўлиш зарур, акс ҳолда тилга олинган шахс шаънига нисбатан ўзингиз сезмаган ҳолда тескари маъно чиқиб қолиши ҳеч гап эмас²⁰-дейди. У илм-фан кишиси, кибернетик олим В.Қ.Қобулов билан бўлган суҳбатини “Илм адабдан бошланур...” деб номлаган. Суҳбатни нега шундай номлаганини мухбир (Х.Дўстмуҳаммад)нинг “Фан ва техника юксак даражада ривожланаётган асрда яшамокдамиз. Замондошларимизнинг маънавий камолоти ҳам давримизга монанд узлуксиз, тараққий этиб бормокда. Лекин ҳар бир шахс ўз савиясини ҳамиша юксалтиришга интилиши керак. Бу – ҳаёт тақозасидир. Мухтарам Восил Қобулович, шундай экан, олимларнинг, умуман, илм-фан кишиларининг дунёқараши, маънавий оламини бойитишда бадий адабиётнинг аҳамияти тутган ўрни ҳақида суҳбатлашсак”-деб бошланувчи суҳбатдан аён бўлади.

Ўта иқтидорли болалар ҳақидаги мақоласини “Вундер+Кинд” дея матн мазмунини олдиндан англата оладиган сарлавҳа танлай олиши журналистдан катта таржиба ва маҳорат кераклигини кўрсатади. Мақола сарлавҳасидан мавзу кимлар ҳақида эканлиги англашилиб турибди. Жуда иқтидорли, қобилятли инсонларга ишлатиладиган сўз вундеркинд, мақолада ақлли болаларга нисбатан қўлланган.

Ҳар бир публицистик асарларига сарлавҳа қўйишга масъулият билан ёндашувчи журналист буюк инглиз актёрининг ҳаёти ва ижодига бағишланган мақоласига “Йиғлаб – йиғлаб кулдирдим” – деб сарлавҳа қўйган. Чарли Чаплин ачинарли ҳаётни кулгу йўли билан кўрсата олгани учун ҳам бутун дунёга машҳур. Актёр ҳақида ёзилган мақолага айти топиб қўйилган сарлавҳа дейиш мумкин.

²⁰ Дўстмуҳаммад Х. Журналист бўлмоқчимисиз?. Т.: Янги аср авлоди. 2001, 16-бет.

Бундан ташқари, ижодкорнинг кичик сарлавҳалар қўйиш борасида тажрибаси катта. Бу борада публицист ҳар бир сарлавҳага масъулият билан ёндашади, сўзнинг кучини ҳис қилади. Мисол учун, “Озод изтироб қувончлари” китобига киритилган очеркларига берган сарлавҳаларни қўришимиз мумкин. Очеркни “Берлин манзаралари” деб номлаган. Самолётга чиқиб, Берлинга қўниши, элчихонадаги учрашув воқеаларни акс эттирган қисмига “Олмония шунчалар олисми?” – деб сарлавҳа қўйган. “Темпера-мент!.. Кхорош-шо” дейилган қисмида ўзбек санъатига чет эллик санъатшунослар берган баҳоларни улар тилидан айтилган сўзлардан сарлавҳа қилиб фойдаланган. Худди шу очеркнинг яна бир қисмига “Халқига талпинар ҳақиқий шоир” деган сарлавҳа танлаган. Сарлавҳада бадиийлик, таъсирчанлик кучли. Чунки, Германияда ўтказилган маданият ҳафталигида Ўзбекистон халқ шоирлари ҳам қатнашиб, бутун дунёдан келган меҳмонларни қойил қолдирган. “ $1+5=2$ ”, “Тегирмончидан енгилган... қирол” деб танланган сарлавҳалари ҳам матн мазмунидан келиб қўйилган. “ $1+5=2$ ” сарлавҳасининг ўзи ўқувчини мақолани ўқишга ундайди. Чунки ўқувчи ҳаёлидан нега бирга бешни қўшганда олти эмас, икки деган савол туғилади. “Тегирмончидан енгилган... қирол” сарлавҳали мақола ҳам худди шундай ўқувчини қизиқтиради. Наҳотки, қирол оддий тегирмончидан енгилса деган савол туғилиб, унга жавоб топиш мақсадида мақолани ўқишга чорлайди. Ўқиш давомида муштарий 1740-1786 йилларда Пруссияга қироллик қилган Фридрих II ёзги дам олиш қароргоҳини “Ҳаловат” деб атаганини, қароргоҳ яқинида тегирмон бўлиб, унинг парракаларининг овози Фридрих жанобларини тинчини бузгани, қирол тегирмонни тўхтатиб қўйишни буюргани ҳақида хабардор бўлади. Тегирмончи қиролни судга беради ва иш тегирмончининг фойдасига ҳал бўлади. Демак, қирол тегирмончидан енгилади. Умуман, Х.Дўстмуҳаммад ижодида “сарлавҳа ярим мақола” деган иборага амал қилишини қўришимиз мумкин.

1980 йил “Фан ва турмуш” журналида журналистнинг “Муҳрланган товуш” мақоласи нашр этилган. Сарлавҳа одамни бироз ўйлантиради. Бу

товуш нималиги ўқувчини қизиқтиради. Мақола Тошкент грампластинка заводи босмахонасида тайёрланаётган пластинка пакетлари нозик дид билан безатилаётгани ҳақида. Мақолада “Жинкўчанинг бойлиги”, “Товуш жиловда”, “Пластинка масаллиғи”, “Нозиклиги бир дунё” каби кичик сарлавҳалардан ҳам моҳирона фойдаланилган. Энг маъқули ҳар ким ўзи мақоласига фавқулодда ном топа олиши дейди, Хуршид Дўстмуҳаммад айнан сарлавҳага бағишланган мақоласида.

Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасида фикрнинг кучлилиги, сўзларни ўз ўрнида қўллай олиши, таъсирчанлик юқорилиги, танлаган мавзуларига сарлавҳани тўғри танлашиданок билинади. Ўтган кунлар асарига ёзган мақоласида, “Хўжа Маъоз” қабристонини тасвирининг ўзи, назаримизда, фикримизга далил бўла олади. Хуршид Дўстмуҳаммад “Хўжа Маъоз” қабристонига зимистонлик ва қуюқ чакалакзорлар таърифини, айнан, Отабек Кумушнинг совчилари ҳақидаги машъум хабарни эшитган пайтидаги ҳолатини ифодалаш учун келтирган ва бу тасвир “Отабек шуурининг оний сурати” эканлигини таъкидлайди. Муаллиф ушбу хулосасини мақолага сарлавҳа қилиб танлайди.

“Нажот муҳаббатдами ё... нафратда?” деб номланган мақоласи икки улкан истеъдод соҳиблари – япон адиби Акутагава Рюноске (1892 - 1927) ва ўзбек санъаткори Ғафур Ғулом (1903 - 1966) қаламига мансуб икки ҳикоя: “Расмон дарвозаси” ва “Менинг ўғригина болам” асари асосида яратилгани боис, икки асардан келиб чиқиб, шундай сарлавҳа танлаган. Шунингдек, муаллиф баъзи сарлавҳалари ёзган публицистик ижодий ишларининг матн мазмунидан келиб чиқиб танласа, баъзиларида асар қаҳрамонлари тилидан айтилган сўзларни сарлавҳа қилиб танлайди. Миллий маънавиятимизнинг, қолаверса, жаҳон бадииятининг атоқли намояндалари, етук сиймоларига бағишлаб ёзган портрет, очерк, суҳбат, лавҳа, эсселарини бунга мисол қилишимиз мумкин. “Отабек шуурининг оний сурати” , “Нажот муҳаббатдами ё ...нафратда? ”, “Илҳом манбаининг бир қирраси” сарлавҳаси ижодкорни илҳомлантирувчи манбаини

билишга ундаса, “Фикр шоирининг бир кирраси” мақоласи фикр шоири ким ва унинг очилмаган кирралари нимадалигига қизиқтиради. Ёки “Машхурликнинг бир сири” сарлавҳасидан муштарий машхурлик сирини очиш учун “калит” излаб, мақолани ўқишга киришади. “Хаётнинг вазмин жилвалари”, “Шоирона хайрат”, “Адибнинг ажаб дунёси”, “Олий хилқат” сарлавҳалари журналистнинг жозибали сўзлардан фойдаланганлигига ўқувчи тан беради. “Отангиздан тилло қолганми?”, “Бадий сўз масъулияти”, “Майдон ўртасидаги ҳисобот”, “Дахлсиз дунё”, “Беминнат муҳаббат”, “Уйғониш йўлларига ёқимли чироқ”, “Зиёли”, “Ўтаётган биллур вақт”, “Қаламга садоқат”, “Орзулар мавсуми”, “Боязид Ансорийни танидик”, “Телепрофессенионал”, “Уч лавҳа”, “Тотли беҳаловатлик”, “Янги замон одами”, “Нурлар, соялар жозибаси”, “Эски шаҳар фарзанди”, “Хаёлнинг ранглари”, “Можаристонлик ўзбек рассоми”, “Орзу бўёғи”, “Беш лаҳзалик туш”, “Худбин кишининг иқрорномаси”, “Инсон қалби коинот”, “Одиссейнинг қайтиши”, “Эзгуликка қасида”, “Қоронғулик – ёруғлик тимсоли”, “Уч номсиз асар” сарлавҳалари ўқувчини ўзига жалб қилади. Сарлавҳаларнинг ўзиданоқ мақолаларнинг ярмини ўқигандай бўласиз. Ҳар бир қаламкаш ижодининг кўзга ялт этиб ташланадиган қандайдир ўзига хосликлари бўлади. Бу ижодкор оҳорий, жозибадор сарлавҳалар топишга, уларни материал мазмуни билан чамбарчас боғлашга, шу тариқа ўқувчининг диққатини аввал бошданоқ жалб қилиб олишга жуда усталигини, сарлавҳа танлашда ижодий ёндашишини таъкидлаб ўтиш лозим. Умуман, сарлавҳа қўйиш машаққатини чеккан ижодкор бундан кейинги салавҳаларига ҳам масъулият билан ёндашади, бу ҳолатга жиддий қарайди.

“Инсонга куллуқ қиладурмен”, “Китобингни эл ўқисин”, “Тўғрилиқ тўнини кийгил...”, “Дев билан пакана”, “Буюк “Зумраша”, “Энг узун туш”, “Йиғлаб – йиғлаб кулдирдим” сарлавҳаларида журналист мақола қаҳрамонлари тилидан айтилган сўзларидан фойдаланишни тўғри деб билади.

Сарлавҳа танлаш машаққатидан хабардор ижодкор Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасини ўрганиш давомида, бу борада маҳоратига

юқори баҳо беради. Чунки, ҳар бир асарларига берган сарлавҳаларининг ўзиданоқ ўқувчини беихтиёр ўйлашга, уни ўқишга мажбур қилади. Масалан, “Оқимга қарши оққан гул” сарлавҳали мақоласи ўқувчи хаёлларидан “гул ҳам оқимга қарши суза оладими?” деган савол туғдиради ва уни ўқишга қизиқишини орттиради. Кўпчилик ўқувчи газета ва журналларни кузатар экан, дастлаб сарлавҳаларни кўздан кечиради. Ўқувчини эса ноодатий, кутилмаган, қизиқарли сарлавҳалар эътиборини тортади. Х.Дўстмуҳаммаднинг “Кечиккан ҳайрат” сарлавҳали мақолада адабий авлод ҳақида сўз боради. XX аср ўзбек бадиий тафаккури тараққиётида жуда кўп узилишлар юз бергани, авлодлар давомийлиги сақланмагани, мумтоз адабий меросимиз энди, кечикиб ўрганилаётгани тўғрисидадир. “Тотли беҳаловатлик” сарлавҳасига кўзингиз тушиши билан беҳаловатлик ҳам ёқимли, тотли бўладими деб ўйлайсан. Фан арбоби, файласуф ва олим Сулаймон Азимовга бағишланган ушбу эссега айнан нега шундай ном берилгани журналистнинг “Ақл одамни беҳаловат қилиб кўяди. Тотли беҳаловатлик”²¹ деган жумласидан аён бўлади. “Орзу бўйёғи” сарлавҳаси эса ёш рассом Фирдавс Файзуллоҳнинг ижодига берилган таъриф дейиш мумкин. “Ёзувчининг катта бахти” мақоласи Темур Пўлатов ҳақида бўлиб, сарлавҳаданоқ ўқувчида ёзувчининг бахти нимада эканлигини билишга қизиқиши ортади. Хуршид Дўстмуҳаммад буни шундай тушинтиради. “...у табиат ато этган салоҳият билан асарлар битаверса, асарларни англамоқ ниятидаги омма зеҳни ўткирлашса, танқидчилик савияси омманикидан жиндай юқори турса – шунинг ўзи бахт, омад”.²² “Энг юксак чўққи”, “Остонадаги одам” каби сарлавҳалари билан муштарийни ўз ижодига олиб кира олади.

Журналистнинг ижодида адабий-танқидий мақолалар кўп учрайди. Уларга берилган сарлавҳалар таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, олимнинг фаолиятида жамиятнинг долзарб ижтимоий-сиёсий, илмий мавзуларда ёзган мақолаларига берилган сарлавҳалар ҳам муштарийни зериктириб қўймайди. Масалан, “Ўзимиздан қоникмаймиз” сарлавҳаси ким,

²¹ Дўстмуҳаммад Х. Ижод-кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз. 2011, 187-бет.

²² Дўстмуҳаммад Х. Хуррият газетаси. 1998, 26 июнь.

нима учун ўзидан қоникмаяпти деган саволни туғдиради. Журналист ўз ҳамкасбларининг, ўзининг фаолиятидан қоникмайди. Танқидий мақоланинг кучи, савияси унга берилган сарлавҳадан ҳам кўринади. “Сайловда... янгилик ғолиб келди” , “Матбуот равнақи – соғлом рақобатда”, “Журналист шаъни таъмадан устун”, “Журналистнинг касб одоби”, “Журналист психологияси – изчил тадқиқот майдони” сарлавҳали мақолалар оддий газетхоннинг ҳам эътиборини тортади. Илмий мақолаларни тушиниш оддий ўқувчига қийинчилик туғдириши мумкин. Аммо, Х. Дўстмуҳаммад илмий мақолаларига кўйилган сарлавҳаларидан матн мазмуни англашилиб, ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

“Жаннат макон” журналида 2007 йил апрель ойи сонида журналист Абдулкарим Баҳриддин, Х.Дўстмуҳаммад билан қилган суҳбати эълон қилинган. Суҳбатга мухбур Х.Дўстмуҳаммад тилидан айтилган “Маънавий тарсаки” сўзини сарлавҳа қилиб келтирган. Бундан кўринадики, адиб тилининг бойлиги, тафаккурининг кенглиги, сўз танлай билиш маҳорати, услуби нафақат ўзининг асарлари учун, балки бошқа ижодкорлар ишларига ҳам сарлавҳа сифатида қўлланилади.

“Матбуотда эълон қилинган ҳар бир мақола муаллифнинг фарзандидек гап, шундай экан, унинг қандай номланишига сира бефарқ бўлмаслик керак. Сарлавҳа танлашда тажрибали журналистлар, муҳаррирлар билан маслаҳатлашиш мумкин, лекин бунга одатланиб қолмаслик керак, яъни ўзингиз сарлавҳа топиш борасидаги лаёқатингизни чиниқтириб боринг. Ўхшатиб топилган сарлавҳа мақолангизнинг таъсирчанлигини, кўпчиликнинг назарига тушишини таъминлайди. Яхши сарлавҳа билан газетхоннинг диққати “қўлга” олинади, “қўлга туширилган” муштарий албатта мақолани ўқишга тутинади”²³- дейди жонкуяр публицист Х. Дўстмуҳаммад. Адибнинг журналистик материалларини ўрганиш давомида, мақолаларига берган сарлавҳаларининг ўзини алоҳида илмий иш қилиш мумкин деган хулосага келиш мумкин.

²³ Дўстмуҳаммад Х. Журналист бўлмоқчимисиз?. Т.: Янги аср авлоди. 2001, 18-бет.

Хуршид Дўстмуҳаммад сарлавҳаларни танлашда нафақат тажрибали публицист балки зукко психолог сифатида ҳам ўзини намоён қила олган. Жумладан, муаллифнинг “Лизахонимга хавасим келди”, “Қиролни енгган тегирмончи” ва “Йиғлаб-йиғлаб кулдирдим” каби сарлавҳалари ўқувчи онгида шу заҳоти “Нима учун?” деган саволни уйғотади. Адиб шу йўл билан ўқувчи диққатини ўз асарига қаратишга эришади. Зотан, “Сарлавҳа-ярим мақола” деган журналистиканинг ёзилмаган олтин қонуни ҳам мавжуд.

Муаллиф баъзан ўқувчини узоқ вақтлар мобайнида ўйлантириб келган мавзуларда мушоҳада қилишга чақиради ва сарлавҳада конкрет савол қўяди “Каттақўрғон тонги”: Жанжалнинг шони борми?!”, “Нажот муҳаббатдами ё ... нафратда?” “Отангиздан тилло қолганми?” каби сарлавҳалар шулар жумласидандир. Адиб танлаган сарлавҳалар ичида энг мукаммали бу мақолада ўзи илгари сурган янги фикр асосида чиқарилган хулосага таянилган сарлавҳалардир. “Остонадаги одам”, “Маърифат дарвозалари”, “Зиёли”, “Ўтаётган биллур вақт” каби сарлавҳалар шулар жумласидандир.

II боб. “Ижод–кўнгил мунавварлиги” асарида публицист нутқи ва таҳлил услуби

II.1. Ўзбек адиблари ҳаёти ва ижодининг журналистик баёни

Адиб, олим ва публицист Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ижодий портрет, очерк, суҳбат, лавҳа ва эсселардан таркиб топган “Ижод – кўнгил мунавварлиги” деб номланган китоби (2011) миллий маънавиятимиз, шунингдек, жаҳон бадииятининг моҳир намоёндаларининг ўлмас асарларига ижодкорона муносабат, теран қиёсий – илмий таҳлил ва мушоҳадалардан иборат. Муаллиф китоб сўз бошида эътироф этгандек “...бадий ижод- кўнгил мунавварлигидир. Бу халқнинг, юртнинг қалби, шуурини, иқболини нурафшон қиладиган мунавварликдир.”²⁴ Дарҳақиқат, Хуршид Дўстмуҳаммад мазкур китобда ўзининг прогрессив стратегияга асосланган тафаккури, инсон қадри ва ҳаёт мазмуни, эзгулик фалсафаси, бадий асарларнинг кадр-қимматини ҳолисона ҳамда ҳар кимнинг ҳам кўзи илғайвермайдиган заргарларга хос нигоҳ билан ёзган таҳлиллари китобхон кўнглини равшан қилиши тайин.

Хуршид Дўстмуҳаммад жаҳон миқёсидаги асарлар ёки воқеа-ходисаларга тўхталар экан, ҳамиша Ўзбекистон ва ўзбек халқи қадри ва қаддини тиклаш ғоясидан асло узоқлашмайди. Ушбу улуғ мақсад мазкур китоб, қолаверса, муаллифнинг барча бадий ва публицистик асарларида етакчи ўринда туради. Жумладан, шу асар муқаддимасида муаллиф қуйидаги мисолни келтиради: “Америкалик ўзбек журналисти Зулфия Назар 20 йил муқаддам Нобель мукофотиغا сазовор бўлган, лекин кўпчилик томонидан унутиб юборилган физик Джо Нейшл ҳақида 1000 кишидан (!!!) интервью олди, шу интервьюлар асосида олим ҳаётига бағишланган китоб ёзди (китоб бир неча марта қайта нашр қилинди), китоб асосида “Тафаккур ўйинлари” деб номланган

²⁴ Дўстмуҳаммад Х. Ижод-кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз. 2011, 5-бет.

машҳур бадиий фильм ишланди, у фильмда иштирок этган актёр ва актрисалардан тўрт нафари Оскар мукофотиغا сазовор бўлди! Инсонни, истеъдодли шахсни ўрганиш – эъзозлаш мактаби очилгудек бўлса, мазкур воқеа ўша мактабда ўқитиладиган асосий дарсликдан жой олиши ва унда ўзбек аёлининг исм-шарифига алоҳида урғу берилиши муқаррар!...”²⁵

Хуршид Дўстмуҳаммад ушбу тўплам ҳақида фикр юритар экан, унинг асл мазмун-моҳияти, матндаги бетакрор жозиба, қаҳрамонларнинг ички ва ташқи портретлари, сюжетларнинг бадиий талқини ўта зукколик билан исботлаб берадики, мазкур китобни ҳеч муболағасиз “Бадиий асарнинг изоҳли луғати” деб ҳам аташ мумкин. Чунки, ўқувчи ўзига таниш бўлган асарни Хуршид Дўстмуҳаммад изоҳларини ўқигандан сўнг янгича муносабат ва янгича тафаккур билан қабул қилади.

Асар аввалидан ўрин олган “Отабек шуурининг оний сурати” деб номланган мақолада муаллиф ўз гаплари ва Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” романида ёзган сатрларни қориштирган ҳолда ифодалайди. Ҳамда мақола бошида ўқувчини огоҳлантириб, “мақоладаги таъкид ва қавсли изоҳлар бизники – Х.Д” деб ёзади.²⁶

Муаллиф Абдулла Қодирийнинг соф ўзбек тилида фавқулодда усталик билан яратган сатрларида контраст ҳолатлар, қаҳрамонларнинг ички олами ва пейзаж уйғунлиги, сўз танлашдаги маҳорат асарда импрессионизм, модернизм, постимпрессионизм каби тасвир услубларидан кенг фойдаланилгани борасида таҳлилга бой фикрларни баён қилади. Хуршид Дўстмуҳаммад “Ўтган кунлар” асаридаги сатрлардан фойдаланган ҳолда ўзи урғу бермоқчи бўлган фикрларни янада асослироқ, янада кучлироқ чиқишига эриша олган. Жумладан, мақолада “Содиқ илтифотсизгина унга қараб олгач, шоша-пиша ўнгдаги **тор кўчага** юриб кетди. Аммо Отабек **тўғрига, катта кўчага** қараб юрди”.

Тор кўча ва **тўғрига, катта кўчага** иборалари билан муаллиф Содиқ билан Отабекнинг мақсадларига, уларнинг истиқболига ишора беряпти. Тасвир

²⁵ Дўстмуҳаммад Х. Ижод-кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз, 2011. 4-бет.

²⁶ Ўша асар. 6-бет.

давом этиб, қахрамон рухий олами янада чуқурроқ очилади: “Ҳаво булут эди” – яъни, қандай кор-хол юз бериши номаълум. Аммо умид ҳам йўқ эмас: “Оқ булутлар бўлганликдан **қуёшнинг нури** унча **кесилмаган**, қуёш тўр рўмол ичида ўлтурган келинлар каби ер юзига сузилиб қарар эди”. Булут – оқ, қуёш нури – кесилмаган, тўр рўмол ичида ўтирган келинга ўхшаш қуёш эса “Сиз ўшами?” деб бошини эгиб турган Кумушни эслатади...”²⁷ деб ёзади Хуршид Дўстмуҳаммад. Мақолада бундай ўринлар жуда кўп учрайди. Муаллиф романдаги “изғирик”, “беҳузурлик”, “йўлнинг айрилиши”, “иккиланиш”, “қора совуқ” каби кўплаб сўзларга алоҳида урғу бериш ва эътиборни қаратиш мақсадида ушбу сўзларни тим қора қалин ҳарфлар билан келтирган. Агарда матн ёзма нутқдан оғзаки нутққа кўчган тақдирда, балки “Абдулла Қодирий таърифи билан айтганда” ёки “романда келтирилганидек” деган қўшимча изох ва алоҳида урғу берилган тон билан гапиришга тўғри келиши мумкин эди.

Хуршид Дўстмуҳаммад мақолада француз ёзувчиси Э.Дю-Жарден, литвалик адабиётшунос А. Бучис, Лев Толстой ижодини чуқур таҳлил қилган В.Катаев, ўзбек олимларидан Иброҳим Ғафуровларнинг фикрларидан ўринли иқтибослар келтиради. Бу мақола янада бой ва серқирра моҳиятга эга бўлишига хизмат қилган. Шунинг билан бирга, муаллиф ўз позициясини ҳам аниқ кўрсатиб ўтади ва “... Абдулла Қодирий ижоди, жумладан, “Ўтган кунлар”и ҳам ҳатто ҳозирги замон “янги роман”чилигига хос энг янги тасвир услубларидан ҳоли эмас. Биргина “Хўжа Маъоз” қабристонини тасвирининг ўзи, назаримизда, фикримизга далил бўла олади” деб ёзади.²⁸ Хуршид Дўстмуҳаммад “Хўжа Маъоз” қабристонига зимистонлик ва қуюқ чакалакзорлар таърифини айнан Отабек Кумушнинг совчилари ҳақидаги машъум хабарни эшитган пайтидаги ҳолатини ифодалаш учун келтирган ва бу тасвир “Отабек шуурининг оний сурати” эканлигини таъкидлайди. Муаллиф ушбу хулосасини мақолага сарлавҳа қилиб танлайди.

²⁷ Дўстмуҳаммад Х. Ижод-кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз, 2011. 7-бет.

²⁸ Ўша асар. 11-бет.

Мақолада “Ўтган кунлар” романдаги этика тамоилларига ҳам алоҳида тўхтаб ўтилади. Масалан, Отабекнинг иккинчи маротаба уйланиши хабарини Абдулла Қодирий шахсан ўзи ёки бирор-бир жиддий қаҳрамон тилидан баён этмай, “Қовоқ девона” суҳбатидан моҳирлик билан фойдаланади. Абдулла Қодирий Отабек ва Кумуш ўртасидаги соф муҳаббатни энг мумтоз туйғулар билан эътироф этган ва бу муносабатни китобхонга ҳам юқтира олган ҳолда, иккинчи уйланиш воқеасини тўлиқ ёритишга Хуршид Дўстмуҳаммад таъбири билан айтганда “тили бормайди”.

Мақола совет даврида 1984 йили ёзилган бўлсада, у ҳар қандай синфий, мафкуравий қарашлардан холи ёзилгани билан ҳам алоҳида эътирофга сазовор. Ана шу биргина мақоланинг ўзи ҳам Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасининг жиддий залвори, равон услуби, публицистларга хос билими ва тил маҳоратига яққол мисол бўла олади.

Асарда буюк ижодкорларнинг, асарларини шундай таҳлил қиладики, битта назмий ёки насрий ишларини очиб бериш учун, бошқа асарлари билан боғлаб тушинтиради ва таништиради. Шунда, бу асарларни ўқимаган бўлсангиз ўқишга, ўқиган бўлсангиз қайта ўқишга ўтирасиз. Чунки, китобни мутоала қила туриб, ёзувчи нима деса, қайси фикрни айтса, ижодкорга қандай баҳо берса, сиз ҳам шунга ишонасиз ва эргашасиз. Бундан ташқари, сизга таниш асарда илғамаган жиҳатларингизни, ҳар битта сўздан ҳам чуқур маъно илғай олганига гувоҳи бўласиз. Ижодкорнинг ўзи айтганидек, “ҳар қандай бадий асар ҳақида тўғри ва тўлақонли фикр айтиш муайян ёзувчининг бутун ижодидан, унинг ижодий қарашларидан ҳабардорликни тақозо этади”. “Ижод – кўнгил мунавварлиги” асари орқали элликка яқин ўзбек ва жаҳон қаламкашларининг бадий ижодий ишларининг мазмуни ва ўша асарларда келтирилган буюк сўзлардан намуналар келтирилгани, асарлари орқали дунёга, инсониятга аслида нима демокчилигини ва шулардан келиб чиқиб ёзувчи шахсининг характерига таъриф беради. Ҳар бир журналист ўз фаолияти давомида буюртма асосида ва қизиқишидан келиб чиққан ҳолда бирор бир

мавзуда ижод қилади. Албатта, журналист ўзи хоҳлаб, қизиққан мавзуида ижод қилса, ижод маҳсули ўзи истаганидек бўлиб чиқади. Кўп йиллардан бери фаолият юритаётган журналистнинг шахси, ички-ташқи қиёфаси, унинг ёзган мақолаларида, танлаган мавзуида ва ўша мавзуни қанчалик маҳорат билан ёрита олганида кўрилади.

Хуршид Дўстмуҳаммад – кўп қиррали ижодкор. Унинг қаламига мансуб ҳар қандай асар бадиий қиммати билан ўзига жалб қилади. Ана шундай хусусиятнинг сири нимада? Хоҳ сиёсий, хоҳ ижтимоий, хоҳ илмий, хоҳ бадиий асар бўлсин, ўзининг бетакрорлиги, маълумотга бойлиги, услубий равллиги билан ҳаммага маъқул келади. Адиб ижодига хос хусусиятларни тадқиқ этиш орқали асарнинг сирига, сеҳрига гувоҳ бўлиб бораверасан. Публицистнинг асарларини ўрганиб таҳлил қилиш мобайнида, унинг ижодида илмийлик, маърифатлилик, инсонпарварлик, тараққийпарварлик, маънавий баркамоллик, қатъийлик, оптимизм каби хусусиятлар мужассамлиги кўзга ташланади. Адибнинг “Ижод – кўнгил мунавварлиги” асари юқоридаги санаб ўтилган хусусиятлар асосига қурилган.

Публицист ўзбек адиблари ҳаёти ва ижодини журналистик баён қилар экан, нутқининг равллиги, сўз яратиши, сўз ва ибораларни ўз ҳолида ва ўзгартирган шаклда қўллаши, ўзининг таҳлил қилиш услубига эга эканлигидан далолат беради. Сўзимизни исботи сифатида, асардан ўрин эгаллаган “Нажот муҳаббатдами ё... нафратда?” деб номланган мақоласини келтиришимиз мумкин. Такриз икки улкан истеъдод соҳиблари – япон адиби Акутагава Рюноскэ (1892 - 1927) ва ўзбек ижодкори Ғафур Ғулом (1903 - 1966) қаламига мансуб икки ҳикоя: “Расёмон дарвозаси” ва “Менинг ўғригина болам” асари асосида яратилган. Ҳикоянинг макони ҳам бошқа бўлгани билан, мавзуси бир. Улардаги умрнинг нотекис, синовли кўчаларида яшаб қолиш учун кураш йўли, яъни ҳар икки ҳикоя қаҳрамонлари тирик қолиш учун нажот излайди. Ёзувчи тили билан айтганда “Жонзот, яхшироқ ва осонроқ яшаш илинжида нафас

олади. Ҳайвоннинг ҳайвонлиги ниманинг эвазига нафсини қондираётганини ўйламаслиги, бу ҳақда мулоҳаза юрита олмаслиги билан белгиланади.

Бундай майл моҳиятан инсон учун ҳам бегона эмас. У ҳам тирик жон. У ҳам ўзи, оиласи тўқроқ, фаровонроқ яшашини кўзлаб тиним билмайди. Ўзини ўтга, чўққа уради. Ҳаловат илинжида ҳаловатидан кечади. Фақат у ана шу фароғатини, ҳаловату маъмурчиликни нималарнинг, кимларнинг эвазига топаётганига кўра ҳайвондан ва хатто бошқа одамлардан ажралиб туради.

“Ҳалол” ва “ҳаром” тушунчаси айти шу майллар асосида шаклланган бўлса, ажаб эмас.”²⁹ Юқорида баён этилган жумлалар билан бошланган мақола, публицист ҳар икки ҳикояга таълуқли мушоҳадасини билдиради. Ўқувчига таниш бўлган ҳикоя, ёзувчи маҳорат билан ёзган таҳлилидан сўнг, янада чуқурроқ, янада аниқроқ юзага чиқади. Публицист ҳикояларга ўзининг журналистик қараши, мулоҳазаси, нутқи орқали кириб боради ва шундай баён қиладики, ўқувчини қизиқишини ортишига сабаб бўлиб ўзига эргаштиради.

Очликдан сақланиш учун икки қаҳрамон тутган йўллари бир - бири билан солиштириб, таққослаб ҳар бир ҳаракатини ўзига хос услублар билан таҳлил қилган публицист фикрларидан сўнг нажот муҳаббатдами ё нафратда сўроғига жавоб топасиз. Бошқача айтганда, адиб сатрлари билан ҳолатлар, қаҳрамонларнинг ички дунёси, тасвирлари, холис муҳокамалари билан “нафратдан нафрат, муҳаббатдан муҳаббат” деган хулосага келади. Нутқий ва бадиий маҳорат билан суғорилган тақриз ўқишли, таъсирли чиққан.

Бундан ташқари, баён қилаётган мавзуга ўхшаш асарни ҳам мисол қилиб келтириши, мақоланинг илмийлигини ошириб, журналистнинг билим даражасини ҳам кўрсатган.

Адибнинг “Ижод – кўнгил мунавварлиги” асарида ўзбек адиблари Абдулла Қодирий ва Ғафур Ғулом ижодидан ташқари, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Неъмат Аминов, Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Хошимов, Тоғай

²⁹ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз, 2011, 12-бет.

Мурод, Хуршид Даврон каби ўттиздан ортиқ ижодкорларнинг асарларини таҳлил қилиб, ўзининг фикрлари, қарашлари билан бойитган.

Яна бир ўзбек адиби ижодига Х.Дўстмуҳаммад қалами билан ёзилган мақола туфайли кириб бориш мумкин. Муаллиф мақолани “Илҳом манбаининг бир қирраси” дея номлайди. Нима учун шундай атаганини асарни ўқиш давомида англайсиз. Мирмуҳсин ижодига туртки бўлувчи, уни илҳомлантирувчи манба кимлар ёки нималар деган саволга жавоб беради. “Таниқли адиб Мирмуҳсин ижодида бўртиб кўзга ташланадиган ана шундай манбалардан бири болалар мавзусидир. Мирмуҳсин кичик ёшдаги болалар учун ёзган ҳикояларида болаларнинг ранг-баранг қиёфасини чизади, қаҳрамонларни бирор воқеа ёки ҳодиса жараёнида тасвирлайди. Лекин адибнинг хатоларга мўлжалланган ҳикояларида ҳам, қисса ва ромонларида ҳам кўплаб болалар образи учрайди.

Дарҳақиқат, Мирмуҳсин ижоди учун хос хусусиятга айланган болалар мавзуи унинг деярли барча асарларида кўзга яққол ташланади.”³⁰

Адиб Мирмуҳсин ижодига сабаб бўлувчи илҳом манбаалари – болалар деган фикрга келган. Публицист, унинг “Қуламас қоя” ҳикоясидан характерли мисол келтириб далиллайди. Фақатгина, юқоридаги ҳикоя билан чекланмай, ёзувчининг бутун ижодини ўрганиб, журналистик қаятият билан тадқиқ ва таҳлил қилган. Хуршид Дўстмуҳаммад ёзувчининг бутун бир ижоди билан таниш эканлиги, Мирмуҳсин яратган асар номларини санаб, болалар образини кўрсатиб беришида аён бўлади. “Сўнги йилларда яратилган Бўрихўжа, Холниса ва Савриниса холалар (“Тирилиш”), Фотима, Жанна (“Дегрез ўғли”), Ҳазратов (“Умид”), Мусовот қори (“Чотқол йўлбарси”) образларининг “салбийлиги” уларнинг болаларга муносабати орқали очилган”³¹

Хуршид Дўстмуҳаммад ижодига хос бўлган яна бир хусусият ҳар қандай асарга холис баҳо бера олишидир. Асарни ижобий томонларини бўрттириб кўрсатмайди ёки салбий жиҳатларини яширмайди. Айтаётган фикрини ижобий

³⁰ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз. 2011, 19-бет.

³¹ Ўша асар, 21-бет.

ёки салбий жиҳати сифатида қарамайди. Шунчаки, борини борица жозибали қилиб таърифлайди. “Маълумки, Мирмуҳсин яратган асарларда муаллифнинг қаҳрамон ва персонажларга бўлган муносабати яққол сезилиб туради. Хусусан, у салбий типларни тасвирлашда қора бўёқларни атайин қуюқлаштириб юборади. Бундай атайинлик ҳаётӣй ва бадий мантикқа путир етказиб қўйади. ... “бор чик!” деб ҳайдаши китобхонни ишонтирмайди”.³² Шунингдек, китобда келтирилган ижодкорлар асарлари, қисман ҳаёти билан таништириш мобайнида уларнинг ижодидаги фалсафӣй фикрини, содда ва қисқа сатрларда шаклий ўзига хослик билан таҳлил қилиш Хуршид Дўстмуҳаммад публицистик йўналишини кўрсатган. Мисол учун, “Фикр шоирининг ҳикоялари” номли тақризи атоқли адиб Асқад Мухтор ижодига бағишланган. Унда ёзувчининг “Чодирёл”, “Жинни”, “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикоялари тўғрисида фикр юритган. Х.Дўстмуҳаммад ҳикоялар сюжетини ва ундаги бош ғоя, кўтарилган мавзунӣ ўзининг фикрлари билан бойитиб, шундай қориштириб борадики, қисқа саҳифаларда Асқад Мухтор ҳикоялари сюжети ва мазмунӣ ҳақида маълумотларга эга бўласиз. Аввал асар сюжетини, сўнг ғоясини, кейин ўзининг фикрларини баён этиши ҳам мумкин эди. Аммо публицистнинг бадий тафаккурининг кенглиги, ўзига хос услуби, ёзиш маҳоратига эғалиги бунга йўл қўймайди. Буни қуйидаги мисол орқали кузатишимиз мумкин. “...ҳикоядаги етти қаҳрамоннинг қисмати шу уларнинг ҳатто исм-шарифи ҳам йўқ: Биринчи, Иккинчи, Учинчи...Еттинчи, холос. Демак, фикрсиз одамга исм ҳам шарт эмас, у жисман мавжуд, лекин инсоннинг том маънодаги мўътабар зотлиги унинг тафаккур соҳиби эканлигида акс этади.”³³ Х. Дўстмуҳаммад асарларининг ўзига хос услубларидан бири, бирор воқеани тасвирлаб туриб қавс ичида худди шундай воқеа кимнинг ижодида, қайси асарда учраши ёки фикрига қўшимча изоҳ бериб ўтади. Масалан, худди шу тақризда “гап “Инсонга қуллуқ қиладурмен” ҳикояси хусусида бормоқда (Асқад ака ўзаро суҳбатда ҳикоянинг

³² Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз. 2011, 21-бет.

³³ Ўша асар, 22-бет.

номи аслида “Инсонга қуллик қиладурмен” бўлиши кераклигини эслатдилар)” жумлаларини келтириш мумкин.

Китобга киритилган яна бир мақоланинг номи “Отангиздан тилло қолганми?”. Сарлавҳанинг ўзиёқ китобхонни мақолани ўқишга бўлган қизиқишини орттиради. Журналистнинг бу мақоласи ўзбек адиби Неъмат Аминов ҳақидадир. Х. Дўстмуҳаммад публицистикасининг сўзга бойлиги, ҳар бир билдирган фикри мулоҳазага чорлаши характерли ходисадир. Бу, биринчидан, унинг тилимиз имкониятларини чуқур билишидан бўлса, иккинчидан, кўпроқ бадиий услубга мурожаат қилишида кўринади.

Болалар ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев билан бўлган суҳбатини мутоала қилган ўқувчи нима учун “Китобингни эл ўқисин” деб номлаганини суҳбат сўнгида тушиниб етади. Суҳбатни ўлчовли умр ўтиб бораётгани, ҳаётинг тажрибанинг ортаётгани мавзуси билан бошлаган журналист, ҳаётнинг аччиқ-чучугини, паст-баландини кўп кўрган ёзувчидан фалсафий фикрлар олишга эришган. Шунингдек, ҳаётинг ва ижодий фаолияти билан қисман таниш эканлиги суҳбатнинг тўғри йўналишига олиб келган. “Ҳар қандай инсонни “тилга кирита” олиш учун журналист шу соҳани ниҳоятда пухта эгаллаган бўлиши зарур, жўн ва жайдари савол билан фақат шунга яраша жавоб олиш мумкин”³⁴. Саволларга олган жавоблардан келиб чиқиб, фикрларни аниқлаштириш, тўлдириб бориш суҳбат жараёнида журналистдан кучли билим талаб қилади. Х.Дўстмуҳаммад ана шу жараёнда фаол иштирок этиб, мавзуни янада қизиқарли кечишига хизмат қилган. Шу тариқа, суҳбат ҳаёт ҳақиқатларидан адабиётга, адабиётдан ҳаёт ҳодисаларига кўчади. Аммо суҳбат давомида Х. Тўхтабоевнинг қандай қилиб болалар ёзувчиси бўлиб қолгани, унгача оғир ўтган болалиги ҳақидаги маълумотларга ҳам эга бўласиз. Тажрибали журналист Х.Дўстмуҳаммадга хос жиҳатлардан кузатувчанлик ва салбий жиҳатларни ҳам силлиқ қилиб, суҳбатдошига айта олишидир. Масалан,

³⁴ Дўстмуҳаммад Х. Ўзимиздан қоникмаймиз. Хуррият газетаси. 1998 йил 12 август.

“Жумладаги нотекисликлар, қайтариқлар шунинг оқибати эмасми?”³⁵ деб ёзувчининг камчиликларини ҳам билдириб ўтади.

“Ижод – кўнгил мунавварлиги” китобида эл таниган адиблар ижодига, ижоди орқали ҳаётига, шахсий кечинмаларига кириб бориш мумкин. Асар тили ниҳоятда равон, тиниқ ифодаларга бой, бадиий рангинликка эга. Адиб ўқувчини ижодкорлар ва уларнинг ўлмас асарлари билан танитиш давомида, ўринли-ўринсиз сўзларни ишлатавермайди. Лекин жойини топиб улардан усталик билан фойдаланадики, ўқувчи кўз ўнгида китобга киритилган адиблар ҳаёти ва ижоди бор бўйи билан гавдаланади.

Журналистик асарни гўзал, ўқувчига ёқимли қиладиган жиҳат унинг равон тили ва услубий бетакрорлигидир. Бу ишни маромига етказишда ёзувчининг истеъдоди, маҳорати ҳамда тажрибаси беқиёс ўрин эгаллайди. Айни шу хусусиятларни кузатишда Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасига мурожат қилиш мумкин.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов ижодини қисқа саҳифаларда баён қила олиш журналистдан катта тажриба ва маҳорат талаб қилади. Ёзувчининг асарларидан парчалар келтиради ва адиб ҳаётда қандай инсонлиги ҳақида тўхталиб, машҳурлигининг сиридан воқиф этади. “Ўткир ака билан республикада бормаган вилоятимиз қолмаган, шаҳар ва қишлоқларда, корхона ва муассасаларда бўлиб ўтган учрашувларда иштирок этганман. Ҳар сафар Ўткир акадаги самимиятнинг жозибадор қуввати яна ва яна мухлислари сафини кўпайтирганига гувоҳ бўлганман”³⁶ деган гаплари билан сарлавҳани нима учун “Машҳурликнинг бир сири” деб номлаганини билиб оласиз.

Маҳмуд Саъдий фаолиятдан тўлиқ хабардор бўлиш учун, ижодкорнинг “Қаламга садоқат” номли ижодий портретини ўқиш орқали эришиш мумкин. “Маҳмуд ака адабиётимизда пайдо бўлган янги ҳикоя, қисса ёки романнинг генезиси, яъни вужудга келиш ибтидосини дарҳол англаб етар, асарнинг жаҳон адабиётидаги қайси машҳур асар таъсирида яратилганини, улар орасидаги

³⁵ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. Т.: мумтоз сўз, 2011. 41-бет.

³⁶ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. Т.: мумтоз сўз, 2011, 45-бет.

фарқни ютуқ ва нуқсонлари билан таҳлил қилиб берар эди. ...Бадиий тафаккурдаги миллийликни, миллий ғурурни сақлаш ва улуғлашга ташналик Маҳмуд Саъдийдек тажрибали мунаққид ва муҳаррирнинг ҳаётий маслагини, ижодий ҳаётининг ўзагини ташкил этади, десак муболаға бўлмайди”³⁷ – деб берган таърифиданоқ, Маҳмуд Саъдий ижодий портрети кўз олдимизда гавдаланади.

Журналистнинг “Ижод – кўнгил мунавварлиги” асари яна шуниси билан эътиборга лойикки, унда нафақат ўзбек, жаҳон адиблар ижодининг таҳлили, балки рассомчилик ва кино санъатининг кўзга кўринган асарларига ҳам ўз фикр ва қарашларини билдирган. Мисол учун, Мурод Муҳаммад Дўст сценарий муаллифлиги остида яратилган “Дев билан пакана” фильмини келтиришимиз мумкин. Журналист учун бегона мавзунинг ўзи йўқ. Аммо, кино санъатини тўғри баҳо бериб, таҳлил қила олишга ҳамма журналистлар ҳам қодир эмас. Х. Дўстмуҳаммад ижодига хос хусусият, таҳлил қилаётган мавзусига ўз фикрини айтишда асар қаҳрамонининг тилидан ёки ёзувчи сўзлари билан қориштириб ишлатиши, бу мақолада ҳам кузатилади. Масалан, “Полвоннинг қишлоқдан катта шаҳарга келишдан мақсади иш топиб, тирикчилигини ўтказиш, эди, холос. Ўзи айтмоқчи, **“Оддийроқ, қора иш бўлса бўлаверади”** унга”. Иш бор жойда, албатта, камчилик ҳам бўлади. “Дев билан пакана” фильмнинг барча ютиқларини публицист таъсирчан сўзлари билан ифодалаб берган. Шунинг билан бир қаторда унинг камчиликларига кўз юммасдан кўрсатиб берганлиги мақолани янада қимматини оширган. Масалан, “Полвон ўзини шаҳарга яхши ниятлар билан кузатиб қўйган бобосини буткил унитиб юборгани қаҳрамон характериға ўтиришмаган, ушбу қусурни истисно қилсак, фильмнинг якуни яхши ўйланган”³⁸ – дея журналистик баён қилади.

Ижодкорга хос яна бир хусусиятлардан бири, китобга киритилган публицистик ишларига ўзининг фалсафий фикрлари, савол ташлаб, унга жавоб

³⁷ Ўша асар, 168-бет.

³⁸ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз, 2011. 249-бет.

бериб кетиши орқали ўқувчини мавзу юзасидан ўйлатади ва унга шу йўл билан олиб киради. Масалан, китобда келтирилган “Орзулар мавсуми” номли мақола фикримизни далиллайди: “Ҳаёт мураккаб. Одамлар ҳақида ўйлар экансан, ҳаёлда эътиқод тушинчаси чарх ураётганини сезмай қоласан. Эътиқоднинг ўзи нима? Маслакка, танланган йўлга содиқлик, ишонч. Олимнинг эътиқоди-чи? Ўз фанига нисбатан покиза муносабати. Саёз дунёқараш билан чекланиш олим учун руҳий фожиа. Бунга йўл қўймаслик ҳалолликдан бошланади. Ҳалоллик-чи? У она сутидан, она алласидан туғилади.”³⁹ Шунингдек, мавзуга бирданига эмас, аста-секинлик билан олиб киради. Публицист мавзунини бирданига бошламайди. Ўқувчини мавзуга оид кичик элементлар билан танитиб, кейин асосий қисмга ўтиб, тўлиқ маълумот бериб бошлайди. Таниқли адиб Мирмуҳсин ижодига мақоласи шундай бошланади. “Ижодкор нималардан кўпроқ илҳомланади? Ҳаётдаги қандай воқеа ва ҳодисалар унинг тафаккур ва ҳиссиётини жунбушга келтиради?

Ижод аҳлининг қувваи ҳафизасини ҳаракатга келтириб, уни қалам тутишга ундовчи турткининг саноғи йўқ. Аввало, бу ҳар кимдагина эмас, балки муайян бир ёзувчида бундай “туртки” манбалари қанчалик хилма-хил бўлмасин, айтилиши вақтда ҳар бир ижодкор учун алоҳида “қадрдон” бўлиб қолган, бутун ижод йўлида унга “содиқ” қолган илҳом манбалари бўлади.” “Илҳом манбаининг бир қирраси” мақоласида келтирилган парча юқоридаги фикримизни исботлайди.

Яна бир усули ёритаётган мавзусини бирданига воқеа билан бошлайди. “Бир кун хотирамдан ўчмайди. Дўрмондаги ёзувчилар ижодий уйи деярли бўш – қалам тебратишга бел боғлаганлар сафи сийраклашиб қолган. Азиз Абдураззоқ, Сайёр, Саъдулла Аҳмад, Нортўхта Қилич – шу. Ҳар замонда Саид Аҳмад ака кўриниб қоладилар.” (“Инсонга қуллиқ қиладурмен” мақоласидан).

Китобга киритилган тақриз, суҳбат, очерк, лавҳа, ижодий портретларни усталик билан сўз танлаб, воқеаларни ниҳоятда жонли, ўз ўрнига жойлаб ҳикоя

³⁹ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз, 2011. 176-бет.

килиши журналистнинг маҳоратидир. Бунга Умарали Норматов, Иброҳим Ғофуров, Нажмиддин Комилов, Хуршид Даврон каби буюк ижодкорлар асарларини бир текисда ифода этиши, ўқувчининг қизиқиш билан кузатишга ундайди. Публицист матнда ўзи алоҳида урғу бермоқчи бўлган сўзларни тим қора рангда ажратиб кўрсатиш ёки “ўзбек”, “зиёли” каби сўзларни тўлиқ катта ҳарфлар билан ёзиш керакли ўринларда қавс ичида изоҳлардан фойдаланиш, ундов ва ҳис-ҳаяжон гапларда учта ундов белгисини қўйиш усулидан кенг фойдаланади.

“Ижод – кўнгил мунавварлиги” китоби таркибига кирган публицистик асарларда адиб ҳолис позиция танлайди ва турли ижодкорлар ҳаёти ва ижодининг кўпчиликка маълум бўлмаган жиҳатларини моҳирлик билан талқин қилади. Олимнинг ўзбек ижодкорлари ҳаёти билан боғлиқ хотиралари алоҳида мемуар асар сифатида ҳам адабий танқидчилигимиз учун муҳим манба ҳисобланади.

Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасининг қамрови кенг. У Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор каби ўзбек адиблари, Озод Шарофиддинов, Умарали Норматов, Талъат Солиҳов, Нажмиддин Комилов ва Иброҳим Ғофуров каби олимлар, Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзо, Бахтиёр Тураев каби рассомлардан тортиб ўзбек киночилиги ижодкорлари Собир Назармуҳамедов ва Шавкат Абдусаломовгача, жаҳон адабиёти намоёндаларидан Фёдор Достоевский, Франц Кафка ва Жеймс Жойслардан тортиб, Рембрандт, Казимир Малевич, Андриус Риук каби мўйқалам соҳиблари, ҳатто машҳур актёр Чарли Чаплин ижодигача адабий танқидий мақолалар ёзган.

Адиб яратган матнларда табиийки, самимийлик, киноя ва юмористик рух сезилиб туради. Асқад Мухторни зиёрат қилиш учун хонадонларига борганда ёзувчининг тутилиб-тутилиб гапиришини ҳам қандай бўлса шундайлигича чизиқчалар билан ажратиб-ажратиб ёзади. Публицист Асқад Мухторнинг рафикаси “ўзбек адабиётида хотираномалар ёзилмаётганига гўё мен айбдордек назар ташлади” доир гапларни юмористик руҳда ёзади. У жумлаларни

яратишга ижодий ёндашади. Масалан, “Озод Шарофиддиновни 70 йиллик умри мобайнида шу кундагидек кўп ўпишмаган бўлса керак” каби гаплар шулар жумласидандир. Публицист ана шу юбилейда ҳатто Ғуломжон Ёқубов биринчи бор ижро этган қўшиқ мазмунигача алоҳида эътибор қаратади. Қўшиқ мисраларидан ихтибос келтиради. Бу хусусият Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикаси тилининг ўзига хослигини кўрсатади.

II.2. Журналистнинг жаҳон адабиёти ҳақида ёзган адабий-публицистик мақолаларида таҳлил ва танқидий қарашлар

Буюк адибларнинг ижод маҳсулига тан бериш, тан олиш, юқори баҳо бериш, камчиликларини ҳам, инсон сифатида бағрикенглик билан муносабат билдириш Хуршид Дўстмуҳаммадга хос хусусиятлардан биридир. Бадиий ижодга бўлган эътиборини содда, самимий ва қисқа сатрларда баён этилганлиги билан “Ижод – кўнгил мунавварлиги” китобхоннинг ўқиган севимли асарлари орасидан бири бўлиб қоладиган асардир.

Хуршид Дўстмуҳаммаднинг публицистик ижодини кузатар эканмиз, унинг адабий-танқидий мақолаларига тўхталиб ўтмасдан иложимиз йўқ. Унинг жаҳон адабиёти ижодкорларининг буюк асарларига ёзган мақолаларини ўқиш давомида публицистнинг жаҳон бадиий асарларни қанчалик севиб мутоала қилишига гувоҳи бўласиз.

Муаллиф жаҳон намоёндалари асарларига муносабат билдирар экан, ижодий ишларига берган сарлавҳаларданок журналист сифатида қанчалик кузатувчан эканлигини англайсиз. “Инсон қалби - коинот”. У Ф. Достоевский ҳақида ёзган мақоласини шундай номлайди. Мақола айнан нима учун шундай номлаганини уни ўқиш давомида тушиниб етасиз.

“Фёдор Достоевский фақат таваллуд топган куни муносабати билан эсга олинадиган ёзувчилардан эмас. Бу ёруғ дунёнинг, инсон ички оламининг нақадар бепоёнлигини кўриш, ҳис қилиш орзусидаги киши Достоевский асарларини истаган куни қўлига олсин – ундан нимадир топади. Баъзан дунё

кўзга тор туюлади, одамлардан безиб яширинишга жой тополмай қоласиз, қалб ва шуурда шайтоний истаклар раҳмоний майллардан устин кела бошлайди – шунда “Бечора кишилар”ни, “Оқ тунлар” ё бўлмаса “Неточка Незванова”ни варақланг, “Хўрланган ва ҳақоратланганлар”ни синчиклаб ўқинг”⁴⁰ деб тушинтиради адибимиз. Шу билан бирга, Х. Дўстмуҳаммад Достоевскийнинг қалбини коинотга тенглаштириш учун унинг бутун ижодидан баҳраманд, таниш эканлиги, унинг тақризида ёзувчи асарларининг мисол тариқасида номларини келтириб ўтганидан англайсиз. “Ўзларини катта истеъдод эгаси ҳисоблаган адиблар ҳам вақти-вақти билан Достоевский асарларини мутоала қилсалар, “Жиноят ва жазо”, “Телба”, “Иблислар”, “Ака-ука Карамазовлар” билан ошноликда яшасалар, ўз болалиги, ёшлиги хотираларини китоб қилиш истагидагилар “Ўсмир” мактабида бир таҳсил олсалар...”⁴¹

Х.Дўстмуҳаммад журналист, адиб сифатида буюк ёзувчи Достоевский ижодига юқори баҳо беради. 1991 йил ёзган мақоласидан роппа-роса ўн йил ўтиб, “Буюк Зумраша” номли тақризи орқали Достоевский асарларини чуқурроқ таҳлил этади. Ҳатто, ўзини ёзувчи ҳисоблаб юрганидан уялиб кетишини айтади. Ўз ижодига хаваскорлик даражасида баҳо беради. У Достоевскийнинг катта ижоди ҳақида қисқа саҳифаларда оммага кенг маълумот бера олган. Шунингдек, ёзувчининг асарларида келтирилган, қаҳрамонлар тилидан айтилган афоризм даражасига кўтарилган, гаплари берилганлиги тақризнинг янада ўқишлилигини таъминлаган. Масалан: “Сиз ҳамма нарсани юрагингизга ҳаддан ташқари яқин олаверар экансиз: шу боис сиз доимо энг бахти қаро одам бўлиб қолаверасиз” (“Бечора кишилар”дан), “қандай мақсад кўзланган бўлишидан қатъи назар, онажон, ёлғон ҳар қандай вақтда ҳам ёлғон ҳисобланади.” (“Амакининг туши” дан), “Бахтсизликни тотиб кўрган одам билан икки карра эҳтиётроқ муомала қилмоқ керак”, “Аҳмоқроқ бўлсанг, дунёда маза қилиб яшайсан”, “қўлни кишанлашлари мумкин, тил кишанланмайди” (“Степанчиково қишлоғи ва унинг фуқаролари”дан), “Одам

⁴⁰ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз, 2011. 250-бет.

⁴¹ Ўша асар, ўша -бет.

ўзини кўргуликларини ҳисоблашни ёқтиради, бахтини эса санаб ўтирмайди”, (“Хилватдан мактублар”дан), “Беҳад севиш беҳад худбинлик ҳамдир” (“Ўлик уйдан мактублар”дан), “Қизариб кетишингиз қалб гўзаллигидан дарак беради” (“Телба”дан).

Адибнинг Достоевский ижодига бўлган қизиқиши, севиб мутоала қилиши, унинг бутун бир асарларига муносабати мақола орқали сезилиб туради. Ҳар бир асарларидан мисоллар келтириб фикрини тўлдириб бориши, ўқувчини жаҳон бадииятининг намояндаси ижоди билан танишишга бўлган қизиқишининг ортишига сабаб бўлади.

Х.Дўстмуҳаммад яна бир улуғ ёзувчи Франц Кафканинг “Жараён” романига ёзган мақоласи ўқилишдан четда қолиши мумкин эмас. Чунки “Жараён” асарини ўқиб тушиниш бироз қийин. Бунда сизга асарга ёзилган “Энг узун туш” деб номланган тақриз кўмак беради. “Жараён”ни ўқиётганимизда ҳаёлимиздан ўтадиган турли тушинмовчиликлар ва англолмай қайта-қайта мутоала қилишимиз ҳақидаги гапларини ўқисангиз худди бизнинг “ичимиз”дагини топгандай туюлади. “Жараён”ни ҳар бир қисмини навбатма-навбат таҳлил қилиб боради, фикрлари орқали ечимидан дарак йўқ асарни тушинишимиз қийин бўлган гапларидан ва биз эътибор бермаган сўзларданда маъно излайди. “Йозеф К. нажотни фикрлашда деб билади. Унинг фикрлаши ҳақсизликни маҳв этиш учун қилич яланғочлаб чиқмайди, у ҳеч кимсага, ҳеч бир калондимоғликка, ҳеч бир кибр-ҳавога, ҳеч бир ёлғонга очикдан – очик зарба бермайди. У ана шундай разолат манзаралари мавжудлигидан одамларни огоҳ этади, уларни фош этиши исёнга, чорага айланади. Эҳтимол, ана шу фош этиш биз кутган жараёндир? Фош этиш жараёнидир?..”⁴² Юқорида айтиб ўтилганидек, публицист асарни кетма кетликда таҳлил қилиб ўз муносабатини билдириб борар экан, ўқувчини зериктириб қўймаслик мақсадида, асар билан боғлиқ, яъни “Жараён” романини излагани ва уни қандай топганлиги ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашади. “Ўрта мактабни битираётган кезларим уч-тўрт

⁴² Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз, 2011. 270-бет.

кутубхонага аъзо эдим, кўзимга ёқимли кўринган китобни ўқийверганман. Эндиликда уларнинг жуда ози ёдда қолган. Мен учун китоб тўла жавондан гўзалроқ манзара йўқ эди. Кўчамизнинг юқориёғида ҳар сафар йўлим тушганида пастак деразадан бирига мўралаб ўтишни канда қилмасдим. Яқин-атрофда шу хонадон соҳибидан кўра бахтлироқ инсон йўқ, эди, назаримда...”⁴³ Муаллиф яна Франц Кафка билан танишиши, унинг “Эврилиш” ҳикояси билан боғлиқлиги ҳақида ҳам тўхтаб ўтади. Асарни изоҳлаш давомида, ёзувчининг бошқа ижод намуналарига ҳам тўхталиб ўтиши, улар билан боғлиқ шахсий воқеалар билан бойитгани журналистнинг етарли маълумот беришга ҳаракат қилганини билдиради. Публицист бунга тўлиқ эриша олган. Мақолада илмийлик мавжудлиги, уни ўқиш давомида гувоҳи бўласиз.

“Одиссейнинг қайтиши” сарлавҳаси остида чоп этилган мақола яна бир жаҳон адабиёти намоёнчаси Жеймс Жойс ҳақидадир. Хуршид Дўстмуҳаммад Жойснинг “Улисс” асарини таҳлил қилар экан, ёзувчининг ҳаётини асар қаҳрамонининг ҳаёти билан ўхшаш жиҳатларини келтириб ўтади. Яъни, унинг бошидан ўтган воқеа-ҳодисалар асарларига кўчганлигини мисоллар билан кўрсатади. “У Ирландиядан бош олиб кетгач, ўлим тўшагида ётган онаси билан видолашиш учунгина бирров Дублинга борган. Онаизор зор қақшаб, диний эътиқоддан шаккоқларча юз ўгирган ўғлига илтижо қилиб, тавба қилишини сўрайди. Жойс она илтижосига кулоқ осмайди. Қизиғи шундаки, Жойс ўз ҳаётий ақидасидан кейинчалик ҳам чекинмайди, ўз тушинчасида собит қолади, шу билан бир вақтда она олдидаги гуноҳкорлик туйғусидан ҳамиша азоб чекади. Шу армон “Улисс”да такрор-такрор баён этилиб, муаллиф (қаҳрамон)нинг тавбасига айланиб кетади.”⁴⁴ Кўпчилик ижодий ишларида учраганидек, “Одиссейнинг қайтиши”асарига ҳам буюк инсонлар, файласуфлар, адабиётшуносларнинг гапларидан иқтибослар келтириб ўтилганлиги кўпчиликка маъқул келиб, адиб ўз фикрларини исботлайди.

⁴³ Дўстмуҳаммад Х. Ижод-кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз, 2011. 271-бет.

⁴⁴ Ўша асар 281-бет

“Коллинз исмли америкалик асаб касалликлари шифокори неча ўн йиллик тажрибаси мобайнида билмаган, тушинмаган кўплаб рухий синоатларни “Улисс”ни ўқиғач англаб етганини ёзади. “Китобга меҳри тушган ҳеч бир инсон бу ёзувчини четлаб ўта олмайди” дейди инглиз адиби ва жойссунош олим Э.Бёрджес. “Жойс – жаҳон адабиётининг монументи” дейди Гарсиа Маркес. Булар сингари кўплаб таърифу тавсифларга илова сифатида шуни айтиш лозимки, “Улисс” барча даврлар ва ҳар қандай миллий адабиёт учун мутлоқ эркинлик, чексиз ижодий ҳурлик тимсоли ва намунасига айланган ўлмас асардир.”⁴⁵ Кўпчилик адабиётшунос олимлар таъкидлаганидек, Ж.Жойс асарларини тушиниш учун жуда катта билим соҳиби бўлиш, мислсиз ақлий меҳнат билан шуғулланиш ва изланиш даркор. Шундагина, асарлари ўз тилсим эшикларини очиб, ботиний жозибаларига шерик қилади. Публицист ва адиб Х. Дўстмуҳаммад Ж. Жойс асарларидаги гап нима ҳақида бораётганини англаб етиш мушкilotини маҳорат билан таҳлил қила олган.

Публицистнинг яна бир таҳсинга сазавор мақолаларидан бири бу – барчамизга таниш буюк голланд мусаввири Рембрандт мўйқаламига мансуб “Адашган ўғилнинг қайтиши” расмига ёзилган тақриздир. Картинада тасвирланган воқеани сўзлаб бериш баробарида, асардаги ҳар бир деталга ўзининг фикр-мулоҳазаларидан тортиб, рассом руҳиятигача аниқлик киритиб боради. “Расмга қаранг, томошабин диққат – эътиборини даставвал отанинг ўғилга муносабати тортади. Унинг ўғил елкасидан тутиб турган бармоқлари, дол қомати, кўксига тушган соқоли, маъсум юмилган қовоқлари, ёрқин нур таратиб турган пешонаси – ҳамма-ҳаммаси инсон қалбидаги буюк муҳаббатнинг, меҳр-оқибатнинг, самимиятнинг тимсолига айланган.”⁴⁶

Аслида, мўйқалам соҳибларининг ижодларига баҳо бериш кўпчилик учун мураккаблик туғдиради. Чунки картинада тасвирланган воқеани кўра олиш, унда кўтарилган мавзунини илғай олиш учун рассомчилик санъати билан таниш бўлиш лозим. Хуршид Дўстмуҳаммад эса асарнинг иккинчи, учинчи

⁴⁵ Дўстмуҳаммад Х. Ижод-кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз, 2011. 282-бет.

⁴⁶ Ўша асар 284-бет.

пландаги оддий томошабин учун арзимасдек туйилган деталларгача баҳо бера олган. У картинанинг моҳиятини очишга эътибор қаратган, журналист кўзи билан кўриб, ўқувчини синчковликка чақира олган. Ҳатто, асарда фойдаланилган рангларга ҳам рассомлардек муносабат билдириши унинг таҳлил қилаётган асарига қанчалик қизиқиш ва масъулият билан ёндашиб, сўзларни ўз ўрнида қўллаб маҳорат билан тасвирланганидан далолат беради. Бундан ташқари, фикрини тасдиқлаш асносида мутахассисларнинг фикрларидан ҳам мисоллар келтириб ўтади. “Мутахассислар ота пешонасидан нур ёғилиб туришини асарнинг энг ёрқин нуқтаси, деб баҳолашади. Дарҳақиқат, яхшилик, эзгулик ва маъсумлик рамзи бўлмиш ота манглайидаги нур гўё ўша хонада чироқ вазифасини ўтаяпти. Бу нур фақат дайди ўғилнинг гардани, елкаси, жулдур кийими, яланг оёғи ва тик турган кишининг чеҳрасинигина ёритиб қолмай, айтилиб вақтда орқа пландаги уч одамнинг, қолаверса, “Адашган ўғилнинг қайтиши” асарини томоша қиладиган ҳар қандай мухлиснинг қалбига шула сочади. Умумий қора фон ҳам ана шу нурнинг кудратини, таъсирини кучайтиришга хизмат қилади ”⁴⁷, дея тасвирлайди муаллиф. “Эзгуликка қасида” дея номланган сарлавҳаданок, публицист санъат асарига бўлган муносабатини билдиради. Ижодкор ота ва ўғилнинг узок айрилигидан кейинги учрашуви, бир-бирига бўлган муҳаббатини эзгуликка деб ҳисоблаган ва маҳорат билан сўзларни ўз ўрнида қўллаб тасвирлаган. Бир неча саҳифадангина иборат бўлган тақризга жуда кўплаб маълумотлар бера олиш Х. Дўстмуҳаммад маҳорати билан боғлиқ. Бундан ташқари, ҳар бир публицистик ишлари учун илмий , бадиий қўлланмаларни ўрганиб, улардан намуналар келтириб ўтиши жонкуяр журналистнинг ўзига хос хусусиятларидан дейиш мумкин.

Рус абстракт санъати йўналишларидан бўлган суперматизм асосчиларидан ҳисобланган авангард рассом Казимир Малевич (1879 - 1939)

⁴⁷ Дўстмуҳаммад Х. Ижод-қўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз, 2011. 285-бет

“Қора тўртбурчак” асарини тасодифан, шунчаки эрмак учун чизган, бироқ у шу кадар машҳур бўлиб кетадики, бугунгача ихлосмандларни ўзига жалб қилади.

К. Малевичнинг машҳур “Қора тўртбурчак” шаклида яратилган асарини ҳамма ҳам бирдек тушинмайди. Уни ҳар ким турлича талқин қилади. Оддий томашабин фақатгина қора бўёқ билан ишланган тўртбурчак шаклни томоша қилганда, эътиборсиз қараб, ҳеч нарса англамаслиги мумкин. Х. Дўстмуҳаммад санъат асарини, яъни “Қора тўртбурчак”нинг сир-синоатини тушинишга ва тушинтиришга, томоша қилганда инсон ҳаёлларидан ўтадиган кечирмалари ҳақида сўзлайди. Мақола болалик чоғларда ҳамма қоронғуликдан чўчиши ҳақидаги гап билан бошланган. Публицист уни қоронғулик билан боғлайди. Қоронғуликка тикилган инсон ўзини, ўзлигини, дунёни, фалакиёту коинотни англагиси келади.

“Кўз вазифаси тафаккурга кўчади. Тафаккур эса чек-чегара билмайди. Тафаккурнинг шакл-шамойили йўқ. Ҳайрат санамини эгаллаган шуур омон эканки, тиним билмайди – қоронғуликни англашга интилаверади.

Англаш, билиш, идрок этиш қоронғуликни чароғонлаштириш демакдир. Ақл чироғи ёрита олган жойда мавҳумлик бўлмайди, зулмат барҳам топади. Не ажабки, фикр ва ақл чироғи инсон миясида ёқилади. Мия эса – қора кути”⁴⁸ - деган фикрлари билан зулматлик остига яширинган ва ҳамма ҳам англаб етаолмайдиган ҳақиқатларни ўқувчига ҳавола қилади. Рауф Парфининг “Мия – қора кути” деган шерий мисрасидан ҳам ўринли фойдаланиб, “Бу шеърий мисрани рус авангард рассомчилигининг асосчиларидан Казимир Малевичнинг машҳур “Қора тўртбурчак” шакли остига ёзиб қўйиш мумкин” деган ғоясини айтиб ўтган. Журналист фикр ва мулоҳазалари орқали асарга баҳо берар экан, қисқа қилиб, уни шундай номлайди: “Қоронғулик – ёруғлик тимсоли”.

Чарли Чаплин номини эшитган инсоннинг юзида беихтиёр табассум пайдо бўлади. Ўз ижодида ачинарли ҳаётини кулгу йўли билан кўрсата олган инглиз актёрини бутун дунё танийди. Х. Дўстмуҳаммад ёратган ижодий

⁴⁸ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз, 2011. 286-бет.

портрети орқали эса буюк ва машхур актёрнинг ҳаёти ва ижоди билан тўлиқ танишиш мумкин. Актёрнинг болалиги ва унинг қандай, кимлар билан, қай аҳволда кечгани, қачон кино оламига кириб келганлиги, қандай қилиб машхур бўлганлиги, биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи турмуши, фарзандлари ва ҳатто қачон, қанча маош олгани ҳақидаги маълумотларга бой. Шу сабабли, журналистнинг ёзганларини ўқигач, кўз олдингизда етук сиймо портрети гавдаланади. Унинг ҳаёти ва ижодининг ҳар бир йилини тасвирлаш давомида фактлардан кенг фойдаланган. “Дарвоқе, Чарлининг барчага таниш қиёфаси, кадам олиш тахлити ҳаммани қизиқтиради. Ўзи эътироф этишича, Лэмбет кўчасида яшовчи бир отбоқар ўлгудек ароқхўр бўлиб, ҳар сафар уйга қайтаётганда чайқалиб, ўрдак юриш қилиб кадам ташлар, ёш Чарльз тенгқурлари билан уни калака қилишар, юришини кўриб қотиб-қотиб кулишар экан. Кейинчалик ундан андоза олган актёр Чарли дунёга машхур бўлиб кетди.”⁴⁹ Бундан ташқари, фикрларини исботлаш мақсадида, аниқ рақамлар келтириб ўтиши журналистдан катта меҳнат сарфлагани кўринади. Бутун дунёга машхур актёр ҳаёти ва ижоди тўғрисида жуда кўплаб маълумотлар топиш мумкин. Аммо уни ўқувчига ҳамма ҳам етказиб бера олмайди. Х. Дўстмуҳаммад публицистикасининг ўзига хос услуби бор. У ўз тилида шундай равон ва самимий сўзлаб берадики, илмий ва бадиий тилини ўз ўрнида қўллаб, маълумотларга бой иши ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Бир инсон умрининг ҳар бир қадамини аниқ ва тўлиқ кўрсата олиш учун эса, журналистдан меҳнат, ёза олиш қобилияти, таҳлил қилиш услуби, тил маҳорати, изланиш, ҳаракат қилиш ва касбига садоқат каби хусусиятга эга бўлиши керак. Публицистнинг “Йиғлаб – йиғлаб кулдирдим” сарлавҳали ижодий иши юқорида саналган хусусиятлар жамланганлиги учун ҳам ҳар қандай муштарийни қизиқтириаб, мутоала қилишга ундайди.

“Матбуот нашрлари ва оммавий ахборотнинг барча турдаги воситалари доимий равишда жамият ҳаётини ёритиш, уни тадқиқ қилиш ва унга қайтадан

⁴⁹ Дўстмуҳаммад Х. Ижод – кўнгил мунавварлиги. Т.: Мумтоз сўз, 2011. 298-бет.

таъсир этиш вазифасини бажариб келадилар. Бу таърифдан шу нарсa кўриниб турибдики, матбуотнинг ижтимоий вазифалари уч таркибий қисмга, қирраларга бўлинади. Бу қисмларни шартли равишда тасвир, таҳлил ва таъсир деб оламиз ҳамда матбуотнинг ижтимоий вазифаларини шу нуқтаи назардан ўрганамиз”.⁵⁰ “Ижод – кўнгил мунавварлиги” китобига киритилган жаҳон адибларига берилган тасвир, таҳлилнинг ўз ўрнида қўллай олган журналистнинг муштарийга таъсир қилиш кўлами ҳам кенгдир.

Хуршид Дўстмуҳаммад барча журналистик ижодида ижтимоий аҳамиятга эга, долзарб мавзулар ўткир публицистик руҳ, жонли таъсир кучи билан ёритилади ва жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинади.

⁵⁰ Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. Т.: Тафаккур, 2011, 31-бет

Хулоса

Бозор муносабатлари шароитида замонавий журналистикада информацияга товар сифатида ёндашилади. Минглаб нашрлар ўртасидаги соғлом рақобат муҳитида ўз аудиторияси ва таъсир доирасини кенгайтиришга интилиш барча оммавий ахборот воситалари учун муҳим стратегик аҳамиятга эга. Ҳаққонийлик, тезкорлик, ҳолислик каби хусусиятлар билан бир қаторда ўқувчиларга таклиф қилинаётган янгилик ёки информация муаллифнинг ўз услуби, тили, журналистик маҳорати ва интеллектуал салоҳиятидан келиб чиқиб маълум бир қийматга эга бўлади. Шу жиҳатдан, ёш журналистларнинг моҳир ва тажрибали публицистлар ижодини илмий таҳлиллар асосида ўрганиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур тадқиқот иши доирасида қуйидаги хулосаларга келинди:

- Хуршид Дўстмуҳаммад публицистик асарларида ўзи танлаган мавзуга оид муҳим ва қизиқарли фактлардан кенг фойдаланади. Ишимиз доирасида таҳлил қилинган “Каттақўрғон тонги”: Жанжалнинг шони борми?!”, “Хурлик ва хавфсизлик: мувозанат истаги”, “Вундер+кинд”, “Ўзимиздан қоникмаймиз”, “Йиғлаб – йиғлаб кулдирдим” каби мақолаларни фикримизнинг исботи сифатида эътироф этиш мумкин.

Интернет тармоғи ҳар бир хонадон мобиль телефонларга қадар кенг тарқалган бир пайтда ҳар қандай публицистик учун муҳим фактларни топиш жуда осон. Бироқ муаллифнинг 1970-1990 йилларда ёзилган мақолаларида фактлардан мумкин қадар кўп фойдаланган. Бу шуни англатадики, публицист журналистик асарни ёзиш учун жиддий ва узоқ тайёргарлик кўрган. Унинг публицистикаси ўқувчида янги бир фикрни уйғотиш билан бирга интеллектуал билимини ҳам оширади.

Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасида фикрни исботлаш деталлар ёки муаммоларнинг алоҳида анализи ва сўнг уларнинг умумий синтезидан

иборат. Муаллиф ҳар бир детални синчковлик билан таҳлил қилади ва оригинал қарор чиқаради. Жумладан, шу пайтга қадар “Ўтган кунлар” романидаги Хўжа Маъоз қабристонини тасвири адабий танқидчилик томонидан етарлича эътибор қаратилмаган манзара эди. Адиб ушбу тасвирнинг айнан Отабек қайнотасининг хонадонидан ҳайдалган, сўнг Кумушнинг бошқа бировга узатилаётгани, тўй куни ҳам белгилангани ҳақидаги шум хабарни эшитган пайтида келтирилишини “Отабек шуурининг оний сурати” эканлигини маҳорат билан исботлаб бера олган.

- Олимнинг адабий танқидчилик соҳасидаги мақолаларида бадиий асарлар матни устида моҳирлик билан қилинган таҳлиллар алоҳида аҳамиятга эга. Мақолаларда Хуршид Дўстмуҳаммад ўз гапи билан бадиий асар муаллифи гапини қоришиқ ҳолда келтиради, уларга изоҳлар келтиради. “Отабек шуурининг оний сурати”, “Инсонга қуллик қиладурмен”, “Адибнинг ажаб дунёси”, “Олий хилқат” каби мақолалар фикримизнинг далили сифатида эътироф этилиши мумкин.

— Адиб аслида антоним бўлмаган сўзлар, тушунчалар, вазият ва ғоялар ўртасидаги контраст ҳолатларни баъзан якка, баъзан икки-уч асарни қиёслаш йўли билан исботлаб беради. “Отабек шуурининг оний сурати”, “Нажот муҳаббатдами ё ... нафратда?” каби мақолалар шулар жумласидандир.

— Олим публицистикасида адабий-танқидий танқидчилик мавзуси етакчилик қилади. Адиб ижодини шартли равишда даврлаштирилса, 1980-1990 йилгача асосан адабий-танқидчий, ҳозирга қадар танқидчилик билан бир қаторда ижтимоий-сиёсий мавзулар етакчилик қилган даврларга ажратиш мумкин. “Ёзувчининг катта бахти”, “Вундер+Кинд”, “Йиғлаб-йиғлаб кулдирдим...”, “Илм адабдан бошланур...” номли мақолалари публицистнинг сиёси-ижтимоий мавзудаги ижоди қаторидан ўрин олган.

— Публицистнинг адабий-танқидий мавзусидаги эссе, очерк ва бадиий портрет жанридаги асарлари мазкур санъатнинг турли йўналишларини ўз ичига қамраб олган. “Китобингни эл ўқисин”, “Машҳурликнинг бир сири” ва

“Ҳаётнинг вазмин жилвалари” номли мақолалари адабиётшунослик, “Орзу бўёғи”, “Можаристонлик ўзбек рассоми”, “Эзгуликка қасида” ва “Қоронғулик-ёруғлик тимсоли” каби мақолалари рассомчилик, “Беш лаҳзалик туш”, “Дев билан пакана” каби мақолалари кинога оид ижод намунасидир.

— Адиб мавзу танлашда даврнинг долзарб масалаларини ёритиш ва уларга ечим топишга, одатий ҳолатга айланиб қолаётган муаммолар устида янгича тафаккур билан мушоҳада юритиш миллатнинг маънавий қиёфасини тиклаш, маданий савиясини юксалтириш, интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий мустақилликни асраб авайлаш каби эзгу ғояларга асосий эътиборни қаратади. Юқоридаги ғоялар ижодкорнинг ҳам публицистик, ҳам бадиий асарларида узвий равишда ўз аксини топган. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, япон ёзувчиси Акутагава Рюноскеннинг “Расёмон дарвозаси” ва ўзбек адиби Ғафур Ғуломларнинг “Менинг ўғригина болам” асарларининг қиёсий таҳлили асосан моддий ночорлик ва маънавий жасорат ўртасидаги мувозанат мавзуси доирасида ёзилган. Мазкур мақола “Бозор” романида илгари сурилган етакчи ғоянинг қисқача баёнига ўхшайди. Қаратишга эришади.

— Хуршид Дўстмуҳаммад сарлавҳаларни танлашда нафақат тажрибали публицист балки зукко психолог сифатида ҳам ўзини намоён қила олган. Жумладан, муаллифнинг “Лизахонимга хавасим келди”, “Қиролни енгган тегирмончи” ва “Йиғлаб-йиғлаб кулдирдим” каби сарлавҳалари ўқувчи онгида шу заҳоти “Нима учун?” деган саволни уйғотади. Адиб шу йўл билан ўқувчи диққатини ўз асарига қаратишга эришади. Зотан, “Сарлавҳа-ярим мақола” деган журналистиканинг ёзилмаган олтин қонуни ҳам мавжуд.

Муаллиф баъзан ўқувчини узоқ вақтлар мобайнида ўйлантириб келган мавзуларда мушоҳада қилишга чақиради ва сарлавҳада конкрет савол қўяди “Каттақўрғон тонги”: Жанжалнинг шони борми?!”, “Нажот муҳаббатдами ё ... нафратда?” “Отангиздан тилло қолганми?” каби сарлавҳалар шулар жумласидандир. Адиб танлаган сарлавҳалар ичида энг мукаммали бу мақолада

Ўзи илгари сурган янги фикр асосида чиқарилган хулосага таянилган сарлавҳалардир. “Остонадаги одам”, “Маърифат дарвозалари”, “Зиёли”, “Ўтаётган биллур вақт” каби сарлавҳалар шулар жумласидандир.

- Публицист матнда ўзи алоҳида урғу бермоқчи бўлган сўзларни тим кора рангда ажратиб кўрсатиш ёки “ўзбек”, “зиёли” каби сўзларни тўлиқ катта харфлар билан ёзиш керакли ўринларда қавс ичида изоҳлардан фойдаланиш, ундов ва ҳис-ҳаяжон гапларда учта ундов белгисини қўйиш усулидан кенг фойдаланади.

- “Ижод – кўнгил мунавварлиги” китоби таркибига кирган публицистик асарларда адиб холис позиция танлайди ва турли ижодкорлар ҳаёти ва ижодининг кўпчилиikka маълум бўлмаган жиҳатларини моҳирлик билан талқин қилади. Олимнинг ўзбек ижодкорлари ҳаёти билан боғлиқ хотиралари алоҳида мемуар асар сифатида ҳам адабий танқидчилигимиз учун муҳим манба ҳисобланади.

- Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикасининг қамрови кенг. У Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор каби ўзбек адиблари, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Талъат Солиҳов, Нажмиддин Комилов ва Иброҳим Ғофуров каби олимлар, Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзо, Бахтиёр Тураев каби рассомлардан тортиб ўзбек киночилиги ижодкорлари Собир Назармуҳамедов ва Шавкат Абдусаломовгача, жаҳон адабиёти намоёндаларидан Фёдор Достоевский, Франц Кафка ва Жеймс Жойслардан тортиб, Рембрандт, Казимир Малевич, Андриус Риук каби мўйқалам соҳиблари, ҳатто машҳур актёр Чарли Чаплин ижодигача адабий танқидий мақолалар ёзган.

- Адиб яратган матнларда табиийки, самимийлик, киноя ва юмористик руҳ сезилиб туради. Асқад Мухторни зиёрат қилиш учун хонадонларига борганда ёзувчининг тутилиб-тутилиб гапиришини ҳам қандай бўлса шундайлигича чизиқчалар билан ажратиб-ажратиб ёзади. Публицист Асқад Мухторнинг рафиқаси “ўзбек адабиётида хотираномалар ёзилмаётганига гўё мен айбдордек назар ташлади” доир гапларни юмористик руҳда ёзади. У

жумлаларни яратишга ижодий ёндашади. Масалан, “Озод Шарафиддиновни 70 йиллик умри мобайнида шу кундагидек кўп ўпишмаган бўлса керак” каби гаплар шулар жумласидандир. Публицист ана шу юбилейда ҳатто Ғуломжон Ёқубов биринчи бор ижро этган кўшиқ мазмунигача алоҳида эътибор қаратади. Кўшиқ мисраларидан иктибос келтиради. Бу хусусият Хуршид Дўстмуҳаммад публицистикаси тилининг ўзига хослигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Расмий адабиётлар

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқоралик жамиятини ривожлантириш концепцияси.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.

Асосий адабиётлар

4. Х.Дўстмуҳаммад Ижод – кўнгил мунавварлиги.-Т.: 2011
5. Х.Дўстмуҳаммад Озод изтироб қувончлари. -Т.: 2000.
6. Х.Дўстмуҳаммад Журналист бўлмоқчимисиз?- Т.: Янги аср авлоди. 2001.
7. З.Т.Тоҳиров Адабий таҳрир.
8. Тоғаев О. Публицистика жанрлари.- Т.: 1976.
9. Тошалиев И. Сарлавҳа стилистикаси. Университет, 1995.
10. Костомаров В. Г. Русский язык на газетной полосе.- М.: 1971.
11. Шомақсудов А. Ўзбек тили стилистикаси.- Т.: 1974.
12. Мухтор Худойкулов Журналистика ва публицистика,-Т.: Тафаккур, 2011
13. Норматов У. Етуклик. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1982.-386 б.
14. Норматов У. Насримиз уфклари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. – 208 б.

Миллий нашрлар рўйхати

1. “Халқ сўзи” газетаси. 2010 йил, 13-ноябрь
2. “Хуррият” газетаси.
3. “Ўзбекистон адабиёт ва санъати” газетаси.
4. “Филология масалалари” журнали.
5. “Гулистон” журнали.
6. “Ёш куч”журнали.
7. “Жаҳон адабиёти” журнали.
8. www.ziynet.uz сайти.